

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**



**ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТЧИЛАРИ ТОМОНИДАН ОДОБ-АХЛОҚ  
ҚОИДАЛАРИГА РИОЯ ЭТИЛИШИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА  
ЯНГИ НОРМАТИВ-ХУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТ МОҲИЯТИ**

*(тренинг курслари, тақдимот материаллари, саволлар ва жавоблар)*

**Амалий қўлланма**

**Тошкент – 2022**

Давлат фуқаролик хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ  
қоидаларига риоя этилишини таъминлаш бўйича янги  
норматив-ҳуқуқий хужжат моҳияти. –Т., ТДЮУ, 2022 й.

*Ўзбекистон Республикаси адлия вазири ўринбосари  
М.М. Икрамов умумий таҳрири остида*

Тузувчилар:

**Б. Алимов** – Инсон ресурслари ва кадрлар салоҳиятини ривожлантириш департаменти мудири

**Ж. Юсупов** – Адлия вазирлиги Ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бошқармаси бошлиғи ўринбосари

**О. Сайдумаров** – Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги бош инспектори

**О. Нарзуллаев** – Тошкент давлат юридик университети ю.ф.д.

*Ушибу амалий қўлланмадан тижорат йўлида фойдаланиши мақсадида нусха  
кўчириши ва муаллифлар розилигисиз ўзгартиришилар киритиш тақиқланади.*

# МУНДАРИЖА

## КИРИШ.....4-5

<b>1-мавзу. Касбий маданиятга оид, хизмат фаолиятидаги ва хизматдан ташқари, шунингдек ташқи кўриниш ва кийиниш услугига оид умумий одоб-ахлоқ қоидалари тўғрисида .....</b>	<b>6</b>
<b>Назорат саволлари.....</b>	<b>15</b>
<b>Тест саволлари .....</b>	<b>16</b>
<b>Тақдимот материаллари.....</b>	<b>24</b>

<b>2-мавзу. Жамоатчилик вакиллари, жисмоний ва юридик шахслар билан ишлашда одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиш ва унинг аҳамияти, манфаатлар тўқнашуви ва коррупция ҳолатларининг олдини олиш тўғрисида.....</b>	<b>30</b>
<b>Тест саволлари .....</b>	<b>35</b>
<b>Назорат саволлари.....</b>	<b>41</b>
<b>Тақдимот материаллари.....</b>	<b>42</b>

<b>3-мавзу. Давлат фуқаролик хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши, Одоб-ахлоқ комиссиялари фаолияти, улар томонидан ходимлар ўртасида одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши учун профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш ҳамда жавобгарлик масалалари тўғрисида.....</b>	<b>49</b>
<b>Тест саволлари.....</b>	<b>57</b>
<b>Назорат саволлари.....</b>	<b>65</b>
<b>Тақдимот материаллари.....</b>	<b>66</b>

<b>Одоб-ахлоқ комиссияси фаолиятини ташкил қилиш ва давлат хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш схемаси.....</b>	<b>74</b>
---	-----------

<b>Тест жавоблари.....</b>	<b>79</b>
----------------------------	-----------

<b>САВОЛ ВА ЖАВОБЛАР.....</b>	<b>80</b>
-------------------------------	-----------

## КИРИШ

Сўнгги йилларда мамлакатимизда барча соҳаларда бўлгани каби давлат бошқаруви соҳасида ҳам ислоҳотлар жадал олиб борилмоқда. Давлат органларининг халқ билан ишлашида мутлақо янги ёндашувлар жорий этилди. Шунингдек, давлат органлари раҳбарлари фаолиятида қатор масъулиятли вазифалар ва жавобгарликнинг белгиланиши, фуқароларнинг давлат бошқарувидаги иштироки, фуқаролик жамияти асосларининг кенгайтириб борилишига хизмат қилмоқда.

Хусусан, “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонуннинг (2022 йил 8 август, ЎРҚ-788-сон) қабул қилиниши бу йўналишда юртимизда кечаётган маъмурий ислоҳотларни муҳим босқичга олиб чиқди. Қонун билан илк бор давлат фуқаролик хизматчиларининг ҳуқуқий мақоми, очик ва мустақил танлов билан ишга қабул қилиш тизими, ходимлар фаолиятини энг муҳим самарадорлик кўрсаткичи (КРІ) асосида баҳолаш, меритократия тамойили бўйича хизмат поғоналарида кўтарилиш ҳамда одоб-ахлоқ қоидалари белгиланди.

Зеро, ислоҳотларнинг амалга оширилиши кўп жиҳатдан раҳбар кадрларнинг ўз ишига бўлган муносабатига боғлиқ бўлади. Бу борада давлатимиз раҳбари Ш.М. Мирзиёев шундай таъкидлайди: “*Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиб қолиши керак*”.

Дарҳақиқат, бугунги давр раҳбарлардан қатор ахлоқий сифатларни талаб қиласиди, бундай талабларсиз раҳбар ўз вазифасини тўлақонли бажара олмайди. Давлат хизматчисининг ахлоқи – бу маълум интизом ва тартиблар тизими сифатида бошқарув самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи омиллар қаторига киради. Шунингдек, “**халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халқقا хизмат қилиши керак**” деган тамойилга барча бўғиндаги раҳбарлар фаолиятида асосий қоидага айланиши керак деган норманинг белгиланиши ҳам масаланинг муҳимлигини билдиради.

Шу ўринда раҳбар кадрларнинг салоҳият сифатларини аниқловчи ва белгиловчи механизмларни бошқарувнинг турли соҳа ва хусусиятларига мувофиқлаштирган ҳолда амалда жорий этишимиз зарурлиги кўриниб турибди.

Одоб-ахлоқ қоидалари давлат фуқаролик хизматида юксак касбий маданиятни шакллантириш, жамоатчилик онгига давлат хизматига бўлган ҳурмат ва ишончни ошириш ҳамда давлат фуқаролик хизматчиларининг ахлоқ қоидаларига зид бўлган хатти-ҳаракатларининг олдини олишга қаратилган хукуқий хужжат сифатида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 октябрдаги “Давлат фуқаролик хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори алоҳида аҳамиятга эга.

Давлат фуқаролик хизматчилари мазкур қоидалар билан таништирилиши ҳамда унга риоя этиши шартлиги, биринчидан, ўз ишига бўлган масъулиятини оширишга ундаса, иккинчидан, ходимларнинг ўзаро муносабатларида юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантиришнинг ягона услуби эканлигидан далолат беради. Масаланинг муҳим жиҳатларидан бири – давлат фуқаролик хизматчисининг мазкур қоидаларга риоя этиши касбий фаолиятини ва хизматдаги хулқ-атворини баҳолаш мезонларидан бири ҳисобланишидир.

## **1-мавзу. Касбий маданиятга оид, хизмат фаолиятидаги ва хизматдан ташқари, шунингдек ташқи кўриниш ва кийиниш услубига оид умумий одоб-ахлоқ қоидалари тўғрисида**

1. Касбий маданиятга оид умумий одоб-ахлоқ қоидалари
2. Хизмат фаолиятига оид одоб-ахлоқ қоидалари
- 3.Хизматдан ташқари одоб-ахлоқ қоидалари
4. Хизмат фаолиятидаги ташқи кўриниш ва кийиниш услугуга оид одоб-ахлоқ қоидалари

Давлат хизмати давлат бошқаруви тизимининг муҳим элементи бўлиб, унинг самарали фаолияти фуқароларнинг конституциявий ҳукуқлари ва эркинликларига риоя этилишини, мамлакатнинг изчил ва барқарор ривожланишини белгилайди. Шу сабабли барча давлатлар давлат хизматининг таркибий қисми бўлган давлат хизматчиларининг одоб-ахлоқ қоидаларини тартибга солишига ва ушбу тизимни доимий ислоҳ қилиб боришга ҳаракат қилишади. Бу борада хорижий давлатларнинг (АҚШ, Болгария, Аргентина, Молдова, Россия, Қозоғистон) тажрибаси алоҳида аҳамиятга эга.

### **ОДОБ-АХЛОҚ ҚОИДАЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ**

Одоб-ахлоқ қоидалари давлат хизматида юксак касбий маданиятни шакллантириш, жамоатчилик онгида давлат хизматига бўлган ҳурмат ва ишончни ошириш ҳамда давлат хизматчиларининг ахлоқ қоидаларига зид бўлган хатти-ҳаракатларининг олдини олишга қаратилган.

**Давлат фуқаролик хизматчилари ўз ваколатларини амалга ошираётганда қуйидаги қонунчилик ҳужжатларига асосланади:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари;
2. “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни;
3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари;
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари;
5. Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари;
6. Одоб-ахлоқ қоидалари ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат фуқаролик хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2022 йил 14 октябрдаги 595-сон қарори билан “Давлат фуқаролик хизматлари одоб-ахлоқининг намунавий қоидалари” ва “Одоб-ахлоқ комиссияси тўғрисидаги” намунавий низом” тасдиқланган. Давлат фуқаролик хизматчилари одоб-ахлоқининг намунавий қоидалари 11 та боб – 33 та банддан, Одоб-ахлоқ комиссияси тўғрисидаги намунавий низом 5 та боб – 35 та банддан иборат.

**Юқорида қайд этилган Намунавий қоидаларга қуйидаги мухим масалалар қамраб олинган:**

- қасбий маданиятга оид умумий одоб-ахлоқ қоидалари, хизмат фаолиятига оид одоб-ахлоқ қоидалари;
  - хизматдан ташқари одоб-ахлоқ қоидалари;
  - жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан муносабатларга оид одоб-ахлоқ қоидалари;
  - хизмат фаолиятидаги ташқи кўриниш ва кийиниш услугига оид одоб-ахлоқ қоидалари;
  - манфаатлар тўқнашуви;
  - давлат хизматчиларининг манфаатини ҳимоя қилиш;
  - одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш;
  - одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этмаганлик учун жавобгарлик;
- Давлат фуқаролик хизматчилари одоб-ахлоқининг намунавий қоидалари (кейинги ўринларда – Одоб-ахлоқ қоидалари) давлат

фуқаролик хизматчиларининг (кейинги ўринларда – давлат хизматчилари) касбий маданияти, хизмат фаолияти давомида ҳамда хизматдан ташқари вақтда одоб-ахлоқи, ташқи қўриниши ва кийиниш услубининг намунавий қоидаларини белгилайди.

Давлат хизматчилари ўз касбий фаолиятини қўйидаги принциплар асосида амалга ошириши шарт:

- қонунийлик;
- Ватанга садоқат ва хизмат вазифасига фидойилик, юкланган функционал вазифаларини тўлиқ бажариш, ижро интизомига қатъий риоя этиш;
- фуқаролар ҳуқуqlари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги;
- давлат ва жамият манфаатларига содиқлик;
- адолатлилик, ҳалоллик ва холислик;
- коррупциявий ҳолатларга муросасиз муносабатда бўлиш ва қарши курашиш;
- хизмат сирини қатъий сақлаш;
- мансаб ваколатларини сунистеъмол қилмаслик;
- манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик.

Давлат хизматчилари меҳнат фаолияти давомида ва ишдан ташқари вақтда хулқ-атворнинг қўйидаги умумий қоидаларига амал қилиши лозим:

давлат хизматининг обрўсига путур етказиши мумкин бўлган хатти-ҳарақатлардан тийилиш, ахлоқ нормаларига доимий риоя қилиш;

масъулият, касбига садоқат ва ҳалолликни кундалик шиорга айлантириш;

мураккаб вазифаларни бажаришда ҳамкасларига кўмаклашиш;

хушмуомалалик, эътиборлилик ва ҳушёрлик билан фуқароларда давлатга нисбатан ишонч ва ҳурмат ҳиссини уйғотиш;

оиласида соғлом муҳитни таъминлаб, оила аъзоларига доимий ғамхўр бўлиш, фарзандларида ватанпарварлик ва бошқа юксак ахлоқий фазилатларни шакллантириш;

фуқароларнинг ижтимоий келиб чиқиши, иқтисодий аҳволи ва бошқа омиллардан қатъи назар, улар билан бир хил, самимий, одоб доирасида муносабатда бўлиш;

жамиятда ахлоқнинг умумэътироф этилган қоидаларига амал қилиш.

Давлат хизматчилари Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиш мажбуриятига, фуқаролар эса давлат хизматчиларидан мазкур қоидаларга мос бўлган касбий маданиятни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Давлат хизматчиларининг Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиши уларнинг фаолияти ҳамда хизматдаги ахлоқини баҳолашнинг асосий мезонларидан бири ҳисобланади.

Давлат хизматчилари томонидан Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиниши ҳолати уларни келгусида юқори лавозимларга тайинлаш ва раҳбар кадрлар захирасини шакллантиришда ҳисобга олинади.

## **1. Касбий маданиятга оид умумий одоб-ахлоқ қоидалари**

### **Давлат хизматчилари:**

фуқароларнинг жинси, ирқи, миллати, фуқаролиги, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи камситилишига олиб келувчи таъсир чоралари ва ҳаракатлар (ҳаракатсизлик)га йўл қўймаслиги;

ҳалол, адолатли ва камтар бўлиши, фуқаролар билан мулоқотда хушмуомала, вазмин ва самимий муносабатни намойиш қилиши;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор қарорларни қабул қилишда қонунийликни, адолатлиликни ва шаффофликни таъминлаши;

давлат ва жамият манфаатларига зарар етказувчи, давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти самарадорлигини пасайтирадиган ҳаракатлар (ҳаракатсизлик)дан тийилиши;

ўзининг хатти-ҳаракати ва ахлоқи туфайли жамоатчиликнинг танқидига учрамаслик чораларини кўриши, танқид учун таъқибга йўл қўймаслиги, асосли ва конструктив танқиддан ўз фаолиятидаги камчиликлар ҳамда нуқсонларни бартараф этиш йўлида фойдаланиши;

давлат органлари ва ташкилотлари, давлат хизматчилари ва бошқа шахсларга ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда шахсий масалалар юзасидан таъсир ўтказмаслиги;

ўз хизмат ваколатларини жисмоний ва юридик шахсларнинг манфаатларини кўзлаб бажариш ёки бажармаслик эвазига улардан бирон-бир мукофот, фойда ёки совғалар олмаслиги;

давлат мулкининг бут сақланишини таъминлаши, ўзига ишониб топширилган давлат мулкидан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши;

хизмат интизомига қатъий риоя қилиши, иш вақтидан оқилона ва самарали фойдаланиши;

аҳолининг давлат хизматлари истеъмолчиси сифатидаги талабларига мувофик доимий равишда фаолият сифатини ошириб бориш чораларини кўриши;

қонун билан интизомий, маъмурий ва жиноий жавобгарлик назарда тутилган ҳукуқбузарлик ва бошқа хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслиги;

касб этикаси ва ишchanлик услубига риоя этиши;

сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат ташкилотлари манфаатлари йўлида хизмат мавқеи ва имкониятларидан фойдаланмаслиги керак.

Давлат хизматчилари ўзига бўйсунувчи ходимлардан улар меҳнат вазифасини бажараётган пайтда партия номидан сиёсий фаолият билан шуғулланишини талаб қилиши, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат ташкилотлари фаолиятида иштирок этишга даъват этиши ёки мажбурлашига йўл қўйилмайди.

## **2. Хизмат фаолиятига оид одоб-аҳлоқ қоидалари**

Давлат хизматчилари хизмат фаолияти давомида қуидагиларга **мажбур**:

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига сўзсиз риоя этиши;

мамлакат шаънини эъзозлаш, давлат сиёсатига содик бўлиш;

ташқи сиёсат соҳасида давлат манфаатларини қатъий ҳимоя қилиш;

ўз хизмат вазифаларини вижданан, ҳалол ва юксак профессионал даражада бажариш, расмиятчилик, соҳтакорлик ва суиистеъмолчиликка йўл қўймаслик;

хизмат мажбуриятларини самарали бажариш учун зарур бўлган билим ва кўникмаларни доимий асосда ошириш;

юқори давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда мансабдор шахсларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари ҳамда берилган топшириқларни ўз вақтида ва сифатли бажариш;

ишлаб чиқилаётган норматив-хуқуқий ва бошқа хужжатларга бирон-бир шахс, гурӯҳ ёки идоралар манфаати нуқтаи назаридан ёндашмаслик ҳамда уларнинг манфаатлари ифода этилишига йўл қўймаслик;

ҳар қандай қонунбузилишига, айниқса, коррупция ҳолатларига қарши муросасизлик билан курашиш;

хизмат сафарлари, назорат тадбирлари давомида меҳнат фаолияти билан боғлик бўлган ҳар қандай турдаги сарф-харажатларни бошқа шахслар ҳисобидан амалга оширмаслик;

давлат хизматчилари ёки бошқа шахслар томонидан жиноят ёки бошқа хуқуқбузарлик содир этишга ундовчи мурожаатлар ҳақида, шунингдек, ҳамкаслари томонидан содир этилган ёки тайёргарлик кўрилаётган қонунбузишилар ҳақида ўзининг раҳбарига зудлик билан маълум қилиш;

чет эл фуқаролари билан алоҳида белгиланган тартибга зид равища бевосита ёки бошқа шахслар орқали мулоқотга киришмаслик;

ўз хизмат мажбуриятларини бажараётганда фуқаролар ва бошқа шахсларни камситмаслик, уларнинг таъсиридан сақланиш, фуқаролар хукуқлари, мажбуриятлари ва қонуний манфаатларини ҳисобга олиш;

ўз хизмат мажбуриятларини вижданан бажаришга тўсқинлик қилиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлардан сақланиш;

давлат сири, қонун билан қўриқланадиган ва хизматга оид бошқа маълумотларнинг ошкор этилмаслигини таъминлаш юзасидан барча чораларни кўриш, улардан қонунга зид равища фойдаланмаслик;

ахборотларни тарқатиш қоидаларига риоя қилиш, Интернет жаҳон ахборот тармоғи ва ахборот коммуникация воситаларидан фойдаланишда ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг белгиланган тартибига амал қилиш;

бириктирилган хизмат компьютери ҳамда электрон ташувчиларидағи хизматга оид маълумотларнинг хавфсиз сақланишини таъминлаш ва уларни бошқа шахсларга тарқатилишининг олдини олиш чораларини кўриш;

ижтимоий тармоқларда давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда мансабдор шахслар фаолиятини мухокама қилмаслик, ахлоққа зид ибораларни ишлатмаслик, мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларга нисбатан одамларда ишончсизлик кайфиятини юзага келтириши мумкин бўлган материалларни жойлаштирмаслик;

фуқаролар ва ҳамкасбларининг шаъни ва қадр-қимматига доғ туширувчи маълумотлар, тухмат, ифво ва уйдирмаларни тарқатмаслик;

мехнат ва ижро интизоми, ички тартиб қоидаларига, шунингдек, телефонда сўзлашиш ва кийиниш маданиятига қатъий риоя этиш;

ўзига ишониб топширилган мулкка ва молиявий маблағларга эҳтиёткорлик ва тежамкорлик билан муносабатда бўлиш;

жамоада соғлом маънавий мухитни сақлаш чораларини кўриш;

жисмоний ва юридик шахсларининг мурожаатларини қонунда белгиланган тартибда ҳамда муддатларда қонуний, асосли ва адолатли ҳал қилиш;

мехнат жамоасида ишчанлик мухитини шакллантириш ва уни мустаҳкамлашга кўмаклашиши;

мехнат жамоасида ҳамкасбларининг шаъни ва қадр-қимматини обрўсизлантирадиган шахсий ва касбий фазилатларини мухокама қилишдан тийилиши керак.

### **Раҳбарлар қўйидагиларга мажбур:**

бўйсунувидаги давлат хизматчиларига профессионализм, ҳалоллик, холислик ва адолатлилиқда ўrnak бўлиш;

жамоада соғлом маънавий мухит ва ишчанлик кайфиятини шакллантириш;

давлат хизматчиларини қонунга хилоф хатти-ҳаракатларни амалга оширишга ундумаслик ҳамда улардан бундай ҳаракатларни бажаришни талаб қилмаслик;

кадрларни маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, таниш-билишчилик ёки шахсий садоқат белгилари бўйича танлаш, тайинлаш ёки тавсия этишга йўл қўймаслик;

жамоада гурухбозлик ва фаворитизм (айрим ходимларни яқин олиш ва қўллаб-қувватлаш) кўринишларига йўл қўймаслик, шунингдек, хизмат вазифаларини бажариш жараёнида бошқа салбий омилларнинг олдини олиш;

давлат хизматчиларининг фаолиятига баҳо беришда қонуний, асосли ваadolатли қарорлар қабул қилиш;

давлат хизматчилари томонидан коррупция ва бошқа суистеъмолчиликлар содир этилишининг олдини олиш чораларини кўриш;

бўйсунувидаги давлат хизматчиларини ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш чораларини кўриш;

ваколати доирасида шартномалар тузиш, танловлар ўтказиш ёки розилик бериш масалаларига холис,adolатли ва қонуний ёндашиш.

Раҳбарлар бўйсунувидаги давлат хизматчилариға қўпол муомалада бўлиши, ҳақорат қилиши, шахсиятига тегиши, уларга асоссиз танбех бериши ёки айблаши ҳамда камситиши мумкин эмас.

### **3. Хизматдан ташқари одоб-аҳлоқ қоидалари**

Давлат хизматчилари ишдан бўш вақтларида умумқабул қилинган аҳлоқ нормалариға риоя қилишлари ва уларга зид бўлган хулқ-атвор ва хатти-ҳаракатлардан ўзларини тийишлари шарт.

Давлат хизматчилари ишдан ташқари вақтда қуидагиларга мажбур: миллий урф-одат, қадрият ва анъаналарга хурмат билан муносабатда бўлиш;

дабдабозлик, шухратпарастлик, гурухбозлик, майшатбозлик, ичкиликбозлик ва бошқа салбий иллатларга йўл қўймаслик;

расмий эълон қилинган маълумотлардан ташқари давлат хизмати фаолиятига оид масалаларни мухокама қилмаслик;

жамоат жойларида (кафе, ресторан ва бошқа кўнгилочар масканларда) ўзини тутиш қоидалариға риоя этиш, атрофдагиларнинг эътиборини тортувчи ортиқча ва салбий ҳаракатларга йўл қўймаслик;

жамоат тартиби ва хавфсизлигига қарши қаратилган хатти-ҳаракатларни содир этмаслик, мазкур ноқонуний ҳаракатларга бошқаларни жалб этмаслик ёки даъват қилмаслик;

хизмат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ бўлган идора ва ташкилотлар раҳбар ва ходимларидан, бошқа мансабдор шахсларидан қимматбаҳо совға олмаслик;

хизмат гувоҳномаларини сақлаш ва фойдаланиш тартибига қатъий риоя этиш, улардан хизматга алоқадор бўлмаган ҳолатларда

фойдаланмаслик, шу жумладан, ваколатли шахсларга хизмат гувоҳномасини кўрсатиб, мавқенини суиистеъмол қилмаслик;

хизмат автотранспорт воситаларидан хизмат фаолиятидан ташқари ҳолатларда шахсий ва бошқа мақсадларда фойдаланмаслик;

иш фаолияти билан боғлиқ маълумотларни ишга алоқадор бўлмаган бошқа шахслар иштирокида муҳокама қилмаслик;

шахсий транспорт воситаларидан фойдаланишда белгиланган тартибга амал қилиш, йўл ҳаракати қоидаларига қатъий риоя этиш;

тадбиркорлик ёки ҳақ тўланадиган бошқа фаолият билан (педагогик, илмий ва ижодий фаолиятдан ташқари) шуғулланмаслик, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

ўзи фаолият юритган давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда давлат хизматига доғ туширувчи хатти-ҳаракатлардан тийилиш;

ташқи кўринишини белгиланган меъёрлар доирасида сақлаш, камтарона кийиниш, атрофдагиларнинг эътиборини ўзига ортиқча жалб қиласидиган тарзда кийинмаслик.

#### **4. Хизмат фаолиятидаги ташқи кўринишиш ва кийинишиш услубига оид одоб-ахлоқ қоидалари**

Давлат хизматчиларининг хизмат фаолиятидаги ташқи кўринишиш ва кийинишиш услуби фуқароларнинг давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига хурматини, шу жумладан давлат хизматининг нуфузини оширишга хизмат қилиши керак.

Давлат хизматчисининг ташқи кўриниши мөҳнат шароитлари ва хизмат турига қараб, хизмат мажбуриятларини бажариши вақтида фуқароларнинг давлат ташкилотига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишига кўмаклашиши, умумий қабул қилинган иш услубига мувофиқ бўлиши ва расмийлик, холислик, камтарлик ва интизомни намоён этиши лозим.

Давлат хизматчиларининг иш жойида ташқи кўринишиш ва кийинишиш услубига оид қўшимча талаблар идоравий одоб-ахлоқ қоидалари ҳамда ички мөҳнат тартибида белгиланиши мумкин.

## ТЕСТ САВОЛАРИ

**1. Давлат фуқаролик хизматчилари одоб-ахлоқининг намунавий қоидалари давлат фуқаролик хизматчиларининг ... услубининг намунавий қоидаларини белгилайди.**

- A) касбий маданияти, хизмат фаолияти давомида
- B) касбий маданияти, хизмат фаолияти давомида ҳамда хизматдан ташқари
- C) хизмат фаолияти давомида ҳамда хизматдан ташқари вақтда одоб-ахлоқи, ташқи кўриниши
- D) касбий маданияти, хизмат фаолияти давомида ҳамда хизматдан ташқари вақтда одоб-ахлоқи, ташқи кўриниши ва кийиниш

**2. Одоб-ахлоқ қоидалари давлат хизматида юксак касбий маданиятни шакллантириш, жамоатчилик онгида ... олдини олишга қаратилган.**

- A) давлат хизматига бўлган ҳурматга зид бўлган хатти-ҳаракатларининг
- B) давлат хизматига бўлган ҳурмат ва ишончга зид бўлган хатти-ҳаракатларининг
- C) давлат хизматига бўлган ҳурмат ва ишончни ошириш ҳамда давлат хизматчиларининг ахлоқ қоидаларига зид бўлган хатти-ҳаракатларининг
- D) давлат хизматчиларининг ахлоқ қоидаларига зид бўлган хатти-ҳаракатларининг

**3. Давлат хизматчилари ўз касбий фаолиятини қандай принциплар асосида амалга ошириши шарт?**

- A) қонунийлик, Ватанга садоқат ва хизмат вазифасига фидойилик, юкланган функционал вазифаларини тўлиқ бажариш, ижро интизомига қатъий риоя этиш
- B) фуқаролар хукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги, давлат ва жамият манфаатларига содиқлик

C) адолатлилик, ҳалоллик ва холислик, коррупциявий ҳолатларга муросасиз муносабатда бўлиш ва қарши қурашиш, хизмат сирини қатъий сақлаш, мансаб ваколатларини суиистеъмол қилмаслик, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик

D) Барча жавоблар тўғри

**4. Давлат хизматчилари меҳнат фаолияти давомида ва ишдан ташқари вактда хулқ-атворнинг қандай умумий қоидаларига амал қилиши керак?**

A) давлат хизматининг обрўсига путур етказиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлардан тийилиш, ахлоқ нормаларига доимий риоя қилиш масъулият, касбига садоқат ва ҳалолликни кундалик шиорга айлантириш.

B) мураккаб вазифаларни бажаришда ҳамкасларига кўмаклашиш, хушмуомалалик, эътиборлилик ва хушёрлик билан фуқароларда давлатга нисбатан ишонч ва ҳурмат ҳиссини уйготиш

C) оиласида соғлом муҳитни таъминлаб, оила аъзоларига доимий ғамхўр бўлиш, фарзандларида ватанпарварлик ва бошқа юксак ахлоқий фазилатларни шакллантириш, фуқароларнинг ижтимоий келиб чиқиши, иқтисодий аҳволи ва бошқа омиллардан қатъи назар, улар билан бир хил, самимий, одоб доирасида муносабатда бўлиш, жамиятда ахлоқнинг умумэътироф этилган қоидаларига амал қилиш

D) Барча жавоблар тўғри

**5. Давлат хизматчилари ўз ваколатларини амалга ошираётганда қандай норматив-хуқуқий ҳужжатларга амал қилиши керак?**

A) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига

B) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига

C) Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, ушбу Одоб-ахлоқ қоидаларига ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига.

D) Барча жавоблар тўғри

**6. Давлат хизматчилари Одоб-ахлоқ қоидалари қуийдаги талабни белгилайди. Түгри жавобни белгиланг.**

D) Давлат хизматчилари Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиш мажбуриятига, фуқаролар эса давлат хизматчиларидан мазкур қоидаларга мос бўлган касбий маданиятни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

B) Фуқаролар давлат хизматчиларидан мазкур қоидаларга мос бўлган касбий маданиятни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

C) Давлат хизматчилари Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиш соҳасида намунавий талабни белгилайди.

D) Давлат хизматчилари Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиш тавсиявий ҳисобланади.

**7. Давлат хизматчиларининг Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиши уларнинг фаолияти ҳамда хизматдаги ахлоқини баҳолашнинг ... бири ҳисобланади.**

- A) асосий мезонларидан
- B) намунавий мезонларидан
- C) тавсиявий мезонларидан
- D) бош мезонларидан

**8. Давлат хизматчилари томонидан Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиниши ҳолати ... ҳисобга олинади.**

- A) уларни қелгусида юқори лавозимларга тайинлашда
- B) раҳбар кадрлар захирасини шакллантиришда
- C) уларни қелгусида лавозимларга тайинлаш ва раҳбар кадрлар захирасини шакллантиришда
- D) уларни қелгусида юқори лавозимларга тайинлаш ва раҳбар кадрлар захирасини шакллантиришда

**9. Давлат хизматчиларига тақиқланади?**

A) Фуқароларнинг жинси, ирқи, миллати, фуқаролиги, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи камситилишига олиб келувчи таъсир чоралари ва ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) амалга ошириши

В) Жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор қарорларни қабул қилишда қонунийликни, адолатлиликни ва шаффоффликни таъминламаслиги, давлат ва жамият манфаатларига зарар етказувчи, давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти самарадорлигини пасайтирадиган ҳаракатлар (ҳаракатсизлик)ни амалга ошириши

С) Давлат хизматчилари ўзига бўйсунувчи ходимлардан улар меҳнат вазифасини бажараётган пайтда партия номидан сиёсий фаолият билан шуғулланишни талаб қилиши, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат ташкилотлари фаолиятида иштирок этишга даъват этиши ёки мажбурлашига йўл қўйилмайди

Д) Барча жавоблар тўғри

#### **10. Давлат хизматчилари амалга ошириши керак.**

А) ҳалол, адолатли ва камтар бўлиши, фуқаролар билан мулоқотда хушмуомала, вазмин ва самимий муносабатни намойиш қилиши

Б) давлат мулкининг бут сақланишини таъминлаши, ўзига ишониб топширилган давлат мулкидан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши

С) хизмат интизомига қатъий риоя қилиши, иш вақтидан оқилона ва самарали фойдаланиши, аҳолининг давлат хизматлари истеъмолчиси сифатидаги талабларига мувофиқ доимий равишда фаолият сифатини ошириб бориш чораларини кўриши

Д) Барча жавоблар тўғри

#### **11. Давлат хизматчилари хизмат фаолияти давомида қўйидаги қайсиларга мажбур ҳисобланади?**

А) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига сўзсиз риоя этиши, мамлакат шаънини эъзозлаш, давлат сиёсатига содик бўлиш, ташқи сиёсат соҳасида давлат манфаатларини қатъий ҳимоя қилиш, ўз хизмат вазифаларини вижданан, ҳалол ва юксак профессионал даражада бажариш, расмиятчилик, соҳтакорлик ва суиистеъмолчиликка йўл қўймаслик

Б) хизмат мажбуриятларини самарали бажариш учун зарур бўлган билим ва қўникмаларни доимий асосда ошириш, юқори давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда мансабдор шахсларининг ўз ваколатлари

доирасида қабул қылған қарорлари ҳамда берилған топшириқларни үз вақтида ва сифатли бажариш, ишлаб чиқилаётган норматив-хуқуқий ва бошқа хужжатларга бирон-бир шахс, гурух ёки идоралар манфаати нұқтаи назаридан ёндашмаслик ҳамда уларнинг манбаатлари ифода этилишига йўл қўймаслик

C) ҳар қандай қонунбузилишига, айниқса, коррупция ҳолатларига қарши муросасизлик билан курашиш, хизмат сафарлари, назорат тадбирлари давомида меҳнат фаолияти билан боғлиқ бўлган ҳар қандай турдаги сарф-харажатларни бошқа шахслар ҳисобидан амалга оширмаслик

D) Барча жавоблар тўғри

## **12. Раҳбарлар қуидагиларга мажбур ҳисобланади.**

A) бўйсунувидаги давлат хизматчиларига профессионализм, ҳалоллик, холислик ваadolатлиликда ўrnak бўлиш, жамоада соғлом маънавий муҳит ва ишchan қайфиятни шакллантириш;

B) давлат хизматчиларини қонунга хилоф хатти-харакатларни амалга оширишга ундумаслик ҳамда улардан бундай ҳаракатларни бажаришни талаб қымаслик, кадрларни маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, таниш-билишчилик ёки шахсий садоқат белгилари бўйича танлаш, тайинлаш ёки тавсия этишига йўл қўймаслик

C) жамоада гурухбозлик ва фаворитизм (айрим ходимларни яқин олиш ва қўллаб-қувватлаш) кўринишларига йўл қўймаслик, шунингдек, хизмат вазифаларини бажариш жараёнида бошқа салбий омилларнинг олдини олиш, давлат хизматчиларининг фаолиятига баҳо беришда қонуний, асосли ваadolатли қарорлар қабул қилиш

D) Барча жавоблар тўғри

## **13. Раҳбарлар бўйсунувидаги давлат хизматчиларига .... мумкин эмас. Тўғри ва тўлиқ жавобни белгиланг.**

A) қўпол муомалада бўлиши, ҳақорат қилиши, шахсиятига тегиши, уларга асоссиз танбех бериши ёки айблаши ҳамда камситиши

B) ҳақорат қилиши, шахсиятига тегиши, уларга асоссиз танбех бериши

C) асоссиз танбех бериши ёки айблаши ҳамда камситиши

D) қўпол муомалада бўлиши

**14. Давлат хизматчилари ишдан бўш вақтларида ... ўзларини тийишлари шарт.**

- A) умумқабул қилинган ахлоқ нормаларига риоя қилишлари ва уларга зид бўлган хулқ-атвор ва хатти-ҳаракатлардан
- B) зид бўлган хулқ-атвор ва хатти-ҳаракатлардан
- C) умумқабул қилинган ахлоқ нормаларига риоя қилишлари ва уларга зид бўлган хулқ-атвор
- D) ахлоқ нормаларига риоя қилишларидан

**15. Давлат хизматчилари ишдан ташқари вактда қуидагиларга мажбур.**

- A) миллий урф-одат, қадрият ва анъаналарга ҳурмат билан муносабатда бўлиш, дабдабозлик, шуҳратпарастлик, гуруҳбозлик, майшатбозлик, ичкиликбозлик ва бошқа салбий иллатларга йўл қўймаслик
- B) расмий эълон қилинган маълумотлардан ташқари давлат хизмати фаолиятига оид масалаларни муҳокама қилмаслик, жамоат жойларида (кафе, ресторан ва бошқа кўнгилочар масканларда) ўзини тутиш қоидаларига риоя этиш, атрофдагиларнинг эътиборини тортувчи ортиқча ва салбий ҳаракатларга йўл қўймаслик
- C) жамоат тартиби ва хавфсизлигига қарши қаратилган хатти-ҳаракатларни содир этмаслик, мазкур ноқонуний ҳаракатларга бошқаларни жалб этмаслик ёки даъват қилмаслик, хизмат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ бўлган идора ва ташкилотлар раҳбар ва ходимларидан, бошқа мансабдор шахсларидан қимматбаҳо совға олмаслик
- D) Барча жавоблар тўғри

**16. Манфаатлар тўқнашуви юзага келган тақдирда ходимлар кимни дарҳол хабардор қилиши шарт?**

- A) Раҳбарини
- B) Иш бошқарувчини
- C) Ўзидан юқорида турувчи шахсни
- D) Мудир

**17. Давлат сиёсати ёки давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти тўғрисидаги оммавий баёнотлар давлат органлари ва ташкилотларидағи кимлар томонидан амалга оширилади.**

- A) Иш бошқарувчи
- B) Ташкилот раҳбари ёки мазкур йўналиш бўйича ваколатли мансабдор шахси
- C) Иш юрутувчи
- D) Мудир

**18. Давлат хизматчилари оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлик қилиши, .... керак.**

- A) оммавий ахборот воситаларида ёритилишига тавсиялар бериши
- B) давлат органлари ва ташкилотларининг фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритилиши учун мажбурияти олиниши
- C) ваколатли мансабдор шахс томонидан амалга
- D) давлат органлари ва ташкилотларининг фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритилишига қўмаклашиши

**19. Қандай ҳолларда оммавий баёнот берилиши мумкин эмас?**

- A) оммавий баёнот матни ва мазмуни давлат сиёсати ёки давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига алоқадор бўлмаса
- B) оммавий баёнотда келтириладиган ахборотлар давлат сирлари билан боғлиқ бўлса
- C) оммавий баёнот бошқа давлат органлари ва ташкилотлари нуфузини пасайтириш ёки уларнинг мансабдор шахсларини камситишга йўналтирилган бўлса
- D) Барча жавоблар тўғри

**20. Давлат хизматида жамоатчилик назоратини таъминлаш мақсадида жамоатчилик томонидан давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига оид айлов ёки танқид билдирилган тақдирда, давлат органлари ва ташкилотлари унга нисбатан билдирилган айлов ёки танқидга қай тартибда жавоб бериши лозим?**

- A) Огоҳлантириш
- B) Жавобгарликка тортиш
- C) Жарима
- D) Оммавий изоҳ ёхуд раддия

**21. Агар оммавий баёнотда фуқароларнинг шаъни ҳамда қадр-қимматини камситадиган иборалар бўлса, давлат хизматчиси ўз фикрларининг янглишлиги ёки нотўғрилигини тан олиши ҳамда шаъни, қадр-қимматига ва ишчанлик обрўсига дахл қилинган фуқародан, агар қонун ҳужжатларида бошқа оқибатлар назарда тутилмаган бўлса, ... .**

- A) фуқаровий жавобгарликка тортилиши шарт
- B) жиноий жавобгарликка тортилиши шарт
- C) маъмурий жавобгарликка тортилиши шарт
- D) кечирим сўраши шарт

**22. Давлат хизматчиларининг хизмат фаолиятидаги ташқи кўриниши ва кийиниш услуби ... хизмат қилиши керак.**

- A) фуқароларнинг давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига ҳурматини
- B) давлат хизматининг нуфузини оширишга
- C) давлат нуфузини оширишга
- D) фуқароларнинг давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига ҳурматини, шу жумладан давлат хизматининг нуфузини оширишга

**23. Давлат хизматчисининг ташқи кўриниши меҳнат шароитлари ва хизмат турига қараб, хизмат мажбуриятларини бажариши вақтида ... намоён этиши лозим.**

- A) фуқароларнинг давлат ташкилотига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишига кўмаклашишини
- B) фуқароларнинг давлат ташкилотига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишига кўмаклашиши, умумий қабул қилинган иш услугбини
- C) расмийлик, холислик, камтарлик ва интизомни
- D) фуқароларнинг давлат ташкилотига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишига кўмаклашиши, умумий қабул қилинган иш услугига мувофиқ бўлиши ва расмийлик, холислик, камтарлик ва интизомни


## **НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ**

1. Давлат фуқаролик хизматчилари ўз касбий фаолиятини қайси принциплар асосида амалга ошириши лозим?
2. Давлат фуқаролик хизматчилари одоб-ахлоқининг намунавий қоидаларининг қайси турдаги қоидаларини белгилайди?
3. Давлат фуқаролик хизматчилари меҳнат фаолияти давомида ва ишдан ташқари вақтларда ҳам одоб-ахлоқ қоидаларига амал қилиши керакми?
4. Давлат фуқаролик хизматчилари ўз ваколатларини амалга ошираётганда қайси қонунчилик ҳужжатларига амал қиласи?
5. Давлат фуқаролик хизматчисининг касбий маданиятга оид умумий одоб-ахлоқ қоидалари деганда нимани тушунасиз?
6. Давлат фуқаролик хизматчиларининг касбий маданиятга оид умумий одоб-ахлоқ қоидаларини санаб беринг.
7. Давлат фуқаролик хизматчилари ўзига бўйсунувчи ходимлардан улар меҳнат вазифасини бажараётган пайтда қайси ҳолатларда даъват этиши ёки мажбурлашига йўл қўйилмайди?
8. Давлат фуқаролик хизматчилари хизмат фаолияти давомидаги мажбуриятлари нималардан иборат?
9. Давлат фуқаролик хизматчилари одоб-ахлоқининг намунавий қоидаларига қўра раҳбарларнинг мажбуриятлари қайсилар?
10. Давлат фуқаролик хизматчилари ишдан ташқари вақтдаги мажбуриятлари сирасига нималар киради?
11. Давлат сиёсати ёки давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти тўғрисидаги оммавий баёнотлар кимлар томонидан амалга оширилади?
12. Қайси ҳолларда оммавий баёнот берилиши мумкин эмас?
13. Давлат фуқаролик хизматчисининг хизмат фаолиятидаги ташқи кўриниш ва кийиниш услугига оид одоб-ахлоқ қоидалари деганда нимани тушунасиз?
14. Давлат фуқаролик хизматчиларининг хизмат фаолиятидаги ташқи кўриниши ва кийиниш услуги нимага хизмат қилиши керак?
15. Давлат фуқаролик хизматчилари одоб-ахлоқининг намунавий қоидаларида манфаатлар тўқнашуви нима деб ҳисоблайсиз?


## Тақдимот материаллари



## ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТЧИЛАРИ КАСБИЙ ФАОЛИЯТИНИНГ ПРИНЦИПЛАРИ



## ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТЧИЛАРИ ХУЛҚ-АТВОРИНИНГ УМУМИЙ ҚОИДАЛАРИ



## КАСБИЙ МАДАНИЯТГА ОИД УМУМИЙ ОДОБ-АХЛОҚ ҚОИДАЛАРИ



## ХИЗМАТ ФАОЛИЯТИГА ОИД ОДОБ-АХЛОҚ ҚОИДАЛАРИ




Давлат фуқаролик хизматчилари  
куйидагиларга мажбур:

Мамлакат шаънни эъзозлаш, давлат сиёсатига содик бўлиш	Ўз хизмат вазифаларини вижданон бажариш, расмиятчилик, соҳтакорлик ва сустеъмолчиликка йўл қўймаслик	Хизмат мажбуриятларини самарали бажариш учун зарур бўлган билим ва кўнкимларни доимий асосда ошириш	Ҳар қандай қонунбузилишига, айниқса, коррупция ҳолатларига қарши муросасизлик билан курашиб	Хизмат сафарлари, назорат тадбирлари давомида ҳар кандай турдаги сарф-харажатларни бошқа шахслар хисобидан амалга оширмаслик	Ҳамкаслари томонидан содир этилган ёки тайёрларик кўрилаётган қонунбузилиши ҳақида ўзининг раҳбарига зудлик билан маълум қилиш	Чет эл фуқаролари билан алоҳида белгиланган тартибга зид равиша бевосита ёки бошка шахслар оркали мулокотга киришмаслик

## ХИЗМАТ ФАОЛИЯТИГА ОИД ОДОБ-АХЛОҚ ҚОИДАЛАРИ



## ХИЗМАТДАН ТАШҚАРИ ОДОБ-АХЛОҚ ҚОИДАЛАРИ



## ХИЗМАТ ФАОЛИЯТИДАГИ ТАШҚИ КҮРИНИШ ВА КИЙИНИШ УСЛУБИГА ОИД ОДОБ-АХЛОҚ ҚОИДАЛАРЫ

ТАШҚИ КҮРИНИШ  
ВА КИЙИНИШ



Давлат фуқаролик хизматчиларининг хизмат фаолиятидаги ташқи күриниши ва кийиниш услуги фуқароларнинг давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига **хурматини**, шу жумладан, хизматнинг нуфузини оширишга хизмат қилиши керак

### Давлат фуқаролик хизматчисининг ташқи күриниши:

1

Меҳнат шароитлари ва хизмат турига қараб, хизмат мажбуриятларини бажариши вақтида фуқароларнинг давлат ташкилотига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишига кўмаклашиши лозим

2

Умумий қабул қилинган иш услуги мувофиқ бўлиши ва расмийлик, **холислик, камтарлик** ва **интизомни** намоён этиши лозим

### Замонавий шароитларда давлат фуқаролик хизматчисининг имижи (ташқи күриниши)

Фуқароларнинг давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига хурматини ва давлат хизматининг нуфузини оширишга хизмат қилиши керак

ОРТИҚЧА ЭЪТИБОР ЖАЛБ ЭТМАСЛИК

ИШ УСЛУБИГА МОС

РАСМИЙ

ХОЛИСЛИК

КАМТАРОНА

ИНТИЗОМНИ НАМОЁН ЭТИШ

МАВСУМГА МОС

## ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТЧИЛАРИНИНГ ОДОБ-АХЛОҚ ҚОИДАЛАРИГА АМАЛ ҚИЛИНИШИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ

1

Давлат фуқаролик хизматчиларининг одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш уларни қонунга мувофиқ интизомий ва бошқа жавобгарликка тортиш учун асос бўлади

2

Давлат фуқаролик хизматчиларининг одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади:

3

Хар бир давлат органинг одоб-ахлоқ қоидалари асосида фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўзининг ички одоб-ахлоқ қоидаларини тасдиқлайди



Давлат органларининг кадрлар бўлинмалари



Одоб-ахлоқ комиссиялари



Ваколатли давлат органи

## **2-мавзу. Жамоатчилик вакиллари, жисмоний ва юридик шахслар билан ишлашда одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиш ва унинг аҳамияти**

Давлат фуқаролик хизматчилари одоб-ахлоқининг намунавий қоидаларида жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари билан муносабатларга оид одоб-ахлоқ қоидаларига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилган.

Демак, унга кўра:

Давлат фуқаролик хизматчилари оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлик қилиши, давлат органлари ва ташкилотларининг фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритилишига кўмаклашиши керак.

Масалан, давлат органлари ва ташкилотлари томонидан ташкил қилинган турли тадбирлар, танловлар юзасидан интервьюлар ташкил қилиш, мақолалар, постлар тайёrlаш орқали ОАВ фаолиятига кўмаклашишлари керак.

Маълумот тариқасида айтиб ўтиладики, Ўзбекистон Републикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Қонунига кўра давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборот жумласига қўйидагилар киради:

давлат органларининг, уларнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмаларининг ҳуқуқий мақомини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар;

давлат органлари томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, норматив ҳамда бошқа ҳужжатлар, шунингдек уларнинг ижро этилишининг бориши тўғрисидаги маълумотлар;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар;

давлат органлари томонидан ишлаб чиқилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг, норматив ва бошқа ҳужжатларнинг лойиҳалари тўғрисидаги маълумотлар;

давлат органлари томонидан давлат дастурлари ҳамда бошқа дастурлар амалга оширилиши тўғрисидаги маълумотлар;

маблағлардан фойдаланилиши, ўтказилган танловлар ва олинган товарларнинг етказиб берилиши тўғрисида ўз расмий веб-сайтларига жойлаштириладиган тегишли ахборот;

давлат органлари томонидан ўтказиладиган оммавий тадбирлар (*мажслислар, кенгашилар, учрашувлар, матбуот конференциялари, брифинглар, семинарлар, давра сұхбатлари ва бошқалар*) тўғрисидаги маълумотлар;

давлат органларининг жисмоний ва юридик шахслар, шунингдек хорижий ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиги тўғрисидаги маълумотлар;

амалга оширилишида давлат органлари иштирок этаётган Ўзбекистоннинг халқаро шартномалари тўғрисидаги маълумотлар;

давлат органларининг фаолияти соҳасига тааллукли бўлган тармоқнинг (худуднинг) ҳолатини ва унинг ривожланиш суръатини тавсифловчи асосий қўрсаткичлар ҳақидаги, шу жумладан ижтимоий-иктисодий ривожланиш қўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотлар;

давлат органлари томонидан ўтказиладиган очиқ танловлар ва кимошди савдолари тўғрисидаги маълумотлар;

бўш иш ўринлари, ишга қабул қилиш шартлари ва бўш иш ўринларини эгаллаш учун номзодларга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги маълумотлар;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан тузилган мувофиқлаштирувчи ва маслаҳат органлари тўғрисидаги маълумотлар;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг очиқ ҳайъат мажлисларини ўтказиш режалари, шу жумладан мажлисларнинг кун тартиби лойиҳалари, улар ўтказиладиган сана, жой ва вақт, мажлисларда ҳозир бўлиш тартиби.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида ахборот излашни амалга ошираётган жисмоний ёки юридик шахс ахборотдан фойдаланувчилар ҳисобланади.

Бунда ахборотдан фойдаланувчилар қўйидаги ҳуқуqlарга эга:

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ишончли ахборотни олиш ва тарқатиш;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида ахборотни олиш учун бевосита ёхуд ўз вакиллари орқали сўров билан мурожаат этиш;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида ахборот олишни рад этиш.

Давлат хизматчилари уларга мана шу ҳуқуқларини амалга оширишига кўмаклашишлари ва фуқароларнинг мазкур ҳуқуқларини рўёбга чиқаришга доимо ёрдам беришлари мақсадга мувофиқ. Бу эса ўз навбатида, қонунчилик доирасида сўралган ахборотни, маълумотни ўз вақтида, талаб қилинган доирада тақдим қилинишини англатади.

Давлат органларининг ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотни тайёрлаш ҳамда тарқатиш вазифалари, шунингдек оммавий ахборот воситалари ва жамоатчилик билан ҳамкорликни таъминлаш, қоида тариқасида, ахборот хизматига юклатилади.

Ахборот хизмати оммавий тадбирларни ташкил этиш, ахборот хабарларини (пресс-релизлар, бюллетенлар ва ҳоказоларни) тарқатиш, шунингдек давлат органларининг расмий веб-сайтида уларнинг фаолияти тўғрисидаги ахборотни жойлаштириш ва янгилаб бориш йўли билан давлат органларининг фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритиш чора-тадбирларини кўради.

Ахборот хизмати давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида ахборот тарқатишнинг қонунчиликка зид бўлмаган бошқа усулларидан ҳам фойдаланиши мумкин.

Оммавий ахборот воситалари, жамоатчилик вакиллари давлат органларининг фаолияти тўғрисида ахборот олишга доир сўров юбориши мумкин.

Оммавий ахборот воситасининг давлат органларининг фаолияти тўғрисида ахборот олишга доир, шунингдек мансабдор шахсларнинг интервьюсини ташкил этиш тўғрисидаги сўрови қўпи билан 7 кунлик муддатда кўриб чиқилади.

Сўровни кўриб чиқиш давлат органларининг ваколатларига кирмаса, сўров сўралаётган ахборотни тақдим этиш ваколатига киритилган органга рўйхатдан ўтказилган кундан эътиборан 3 иш қуни ичida юборилади, ахборотдан фойдаланувчи эса бу ҳақда хабардор қилинади.

Расмий нашрларда, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган ёхуд расмий веб-сайтларда жойлаштирилган ахборот сўралгандан давлат органлари сўровга бериладиган жавобда сўралаётган ахборот эълон қилинган расмий нашрнинг, оммавий ахборот воситасининг номи, чиқарилиш санаси ҳамда рақамини ва (ёки) сўралаётган ахборот жойлаштирилган расмий веб-сайтнинг электрон манзилини кўрсатган ҳолда ҳавола бериши мумкин.

Сўров рад этилган тақдирда ахборотдан фойдаланувчига асослантирилган жавоб юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 июндаги ПФ–6247-сон Фармони билан давлат органларининг жамоатчиликка ахборот бериш тизими мустаҳкамланган.

Унга кўра давлат органлари ва ташкилотлари ҳар йили:

1 марта ўз фаолиятига оид ҳисботни расмий веб-сайтларига жойлаштириб, 10 марта уни кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиш жойи ва вакти ҳақида хабар беради;

1 апрелгача ўз фаолиятига оид ҳисботни кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиш учун матбуот анжуманларини ўтказади.

Давлат сиёсати ёки давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти тўғрисидаги оммавий баёнотлар давлат органлари ва ташкилотлари раҳбари ёки мазкур йўналиш бўйича ваколатли мансабдор шахс томонидан амалга оширилади.

Қуйидаги ҳолларда оммавий баёнот берилиши мумкин эмас:

оммавий баёнот матни ва мазмуни давлат сиёсати ёки давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига алоқадор бўлмаса;

оммавий баёнотда келтириладиган ахборотлар давлат сирлари билан боғлиқ бўлса;

оммавий баёнот бошқа давлат органлари ва ташкилотлари нуфузини пасайтириш ёки уларнинг мансабдор шахсларини камситишга йўналтирилган бўлса.

Давлат хизматида жамоатчилик назоратини таъминлаш мақсадида жамоатчилик томонидан давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига оид айблов ёки танқид билдирилган тақдирда, давлат органлари ва ташкилотлари унга нисбатан билдирилган айблов ёки танқидга оммавий изоҳ ёхуд раддия бериши лозим.

Агар оммавий баёнотда фуқароларнинг шаъни ҳамда қадр-қимматини камситадиган иборалар бўлса, давлат хизматчиси ўз фикрларининг янглишлиги ёки нотўғрилигини тан олиши ҳамда шаъни, қадр-қимматига ва ишчанлик обрўсига дахл қилинган фуқародан кечирим сўраши шарт.

Сўнгти йилларда жиддий ислоҳотлар даврига қадам қўйган Ўзбекистон учун коррупцияга қарши кураш асосий аҳамиятга эга бўлган вазифалардан бирига айланди. Чунки коррупция нафақат демократиянинг, умуман ҳар қандай тараққиётнинг кушандаси экани маълум.

Бу борада давлат хизматчилари мансаб ёки хизмат мажбуриятларини бажариш вақтида манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорликка йўл қўймаслиги керак.

Манфаатлар тўқнашуви юзага келган тақдирда ходимлар ўзининг раҳбарини дарҳол хабардор қилиши шарт.

Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисида маълумотлар олган раҳбар бу тўқнашувнинг олдини олиш ёки уни бартараф этиш юзасидан ўз вақтида чоралар кўришга мажбур.

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунига кўра, давлат органларининг ходимлари уларни коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этишга кўндириш мақсадида бирор-бир шахс ўзларига мурожаат этганлигига доир барча ҳоллар тўғрисида, шунингдек давлат органларининг бошқа ходимлари томонидан содир этилган шунга ўхшаш ҳуқуқбузарликларнинг ўзларига маълум бўлиб қолган ҳар қандай фактлари ҳақида ўз раҳбарини ёхуд ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни хабардор этиши шарт.

Умуман олганда давлат хизматчиларининг оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлиги бевосита давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг шаффоффлиги ва очиқлигини таъминлашга хизмат қиласи ва бу ўз навбатида, коррупцион хавфларни камайтиришга хизмат қиласи.

## ТЕСТ САВОЛЛАРИ

**1. Давлат хизматчиларининг иш жойида ташки кўриниши ва кийиниш услугига оид қўшимча талаблар қандай одоб-ахлоқ қоидалари ҳамда ички меҳнат тартибида белгиланиши мумкин?**

- A) идоравий
- B) вазирлик
- C) қўмита
- D) ҳокимлик

**2. Давлат хизматчилари мансаб ёки хизмат мажбуриятларини бажариш вақтида манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган ... йўл қўймаслиги керак.**

- A) идоравий манфаатдорликка
- B) шахсий манфаатдорликка
- C) ташкилот манфаатдорликка
- D) жамоавий манфаатдорликка

**3. Комиссия давлат хизматчисига нисбатан интизомий таъсир чорасини қўллаш учун кимга тақдимнома киритиши мумкин.**

- A) мудир
- B) иш юритувчи
- C) давлат органи ва ташкилоти раҳбарига
- D) иш бошқарувчи

**4. Манфаатлар тўқнашви юзага келган тақдирда ходимлар ўзининг раҳбарини қанча муддатда хабардор қилиши шарт?**

- A) 3 кунда хабардор қилиниши шарт
- B) 6 кунда хабардор қилиниши шарт
- C) 10 кунда хабардор қилиниши шарт
- D) дарҳол хабардор қилиши шарт

**5. Давлат хизматчиларни хизмат вазифаларини бажариш билан боғлиқ таҳдид, ҳақорат, туҳмат ва қонунга хилоф бошқа хатти-ҳаракатлардан ҳимоя қилиш ... амалга оширилади.**

- A) давлат органларининг раҳбари томонидан
- B) ташкилотларининг раҳбари томонидан
- C) ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан
- D) давлат органлари ва ташкилотларининг раҳбари томонидан

**6. Давлат хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши устидан назорат қандай тузилмалар (юридик шахс) томонидан амалга оширилади?**

- A) Давлат органлари ва ташкилотларининг инсон ресурсларини бошқариш бўлинмалари
- B) Одоб-ахлоқ комиссиялари
- C) Махсус ваколатли давлат органи томонидан
- D) Давлат органлари ва ташкилотларининг инсон ресурсларини бошқариш бўлинмалари ёки Одоб-ахлоқ комиссиялари, шунингдек махсус ваколатли давлат органи томонидан амалга оширилади

**7. Давлат органлари ва ташкилотларида лавозимга тайинланган давлат хизматчилари инсон ресурсларини бошқариш бўлинмалари томонидан мазкур ... таништирилади.**

- A) Одоб-ахлоқ қоидалари билан ёзма равишда
- B) Одоб-ахлоқ қоидалари билан сухбат асосида
- C) Одоб-ахлоқ қоидалари билан имзо қўйдирган ҳолда
- D) Одоб-ахлоқ қоидалари билан тилхат асосида имзо қўйдирган ҳолда

**8. Одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари бўйича ... мувофиқ Одоб-ахлоқ комиссиялари томонидан ўтказилади.**

- A) хизмат текшируви давлат органларининг кўрсатмасига
- B) ташкилотлари раҳбарининг кўрсатмасига
- C) Одоб-ахлоқ комиссиясининг кўрсатмасига
- D) хизмат текшируви давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарининг кўрсатмасига

**9. Одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари бўйича хизмат текширувини ўтказиш тартибини ким белгилайди?**

- A) хизмат текширувини ўтказиш тартиби давлат органлари томонидан белгиланади
- B) ташкилотлари томонидан белгиланади
- C) ҳукуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан белгиланади
- D) хизмат текширувини ўтказиш тартиби давлат органлари ва ташкилотлари томонидан белгиланади

**10. Давлат хизматчилари томонидан Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этмаганлик ҳолати уларга нисбатан ... қўллаш учун асос бўлади.**

- A) интизомий жазо
- B) маъмурий жазо
- C) ахлоқий таъсир чораси
- D) ахлоқий ва интизомий таъсир чораларини

**11. Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этмаганлик учун Одоб-ахлоқ комиссияси томонидан давлат хизматчиларига қандай ахлоқий таъсир чоралари қўлланилади?**

- A) огоҳлантириш, узр сўраш ёки расмий узрнома келтиришни талаб қилиш, давлат органлари ва ташкилотларининг коллегиал йиғилишларида танбех бериш
- B) огоҳлантириш, давлат органлари ва ташкилотларининг коллегиал йиғилишларида танбех бериш
- C) узр сўраш ёки расмий узрнома келтиришни талаб қилиш, давлат органлари ва ташкилотларининг коллегиал йиғилишларида танбех бериш
- D) интизомий жазо

**12. Комиссия давлат хизматчисига нисбатан интизомий таъсир чорасини қўллаш учун кимга? тақдимнома киритиши мумкин.**

- A) мудир
- B) давлат органи ва ташкилоти раҳбарига
- C) иш бошқарувчи

D) иш юритувчи

**13. Одоб-ахлоқ комиссияси одоб-ахлоқ қоидалари давлат органи ва ташкилоти раҳбари томонидан бузилган тақдирда, уларга нисбатан тегишли чора кўриш масаласи юзасидан таклифларни ... юборади.**

A) давлат органларининг раҳбарига

B) ташкилотларнинг раҳбарига

C) юқори турувчи давлат органи ва ташкилоти раҳбарига

D) ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи раҳбарига

**14. Давлат хизматчисининг Одоб-ахлоқ қоидаларини бузиши уларни қонунга мувоғик ... .**

A) интизомий жавобгарликка тортиш учун асос бўлади

B) ҳуқуқий таъсир чораси учун асос бўлади

C) жиноий жавобгарликка тортиш учун асос бўлади

D) интизомий ва бошқа жавобгарликка тортиш учун асос бўлади

**15. Одоб-ахлоқ комиссияси тўғрисидаги намунавий низом қандай муносабатларни тартибга солади?**

A) Одоб-ахлоқ комиссиялари фаолиятини тартибга солади.

B) Давлат органларида Одоб-ахлоқ комиссиялари фаолиятини тартибга солади.

C) Ташкилотларида Одоб-ахлоқ комиссиялари фаолиятини тартибга солади.

D) Давлат органлари ва ташкилотларида Одоб-ахлоқ комиссиялари фаолиятини тартибга солади.

**16. Одоб-ахлоқ комиссияси нима мақсадда тузилади?**

A) давлат фуқаролик хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш мақсадида тузилади.

B) давлат фуқаролик хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш, уларнинг ахлоқ нормаларига зид бўлган хатти-ҳаракатларининг олдини олиш мақсадида тузилади.

С) ахлоқ нормаларига зид бўлган хатти-ҳаракатларининг олдини олиш ва одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш билан боғлиқ низоларни кўриб чиқиш мақсадида тузилади.

Д) давлат фуқаролик хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш, уларнинг ахлоқ нормаларига зид бўлган хатти-ҳаракатларининг олдини олиш ва одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш билан боғлиқ низоларни кўриб чиқиш мақсадида тузилади.

**17. Одоб-ахлоқ комиссияси ўз ваколатларини амалга ошираётганда қандай норматив-хуқуқий ҳужжатларга амал қилиши керак?**

А) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Конунига.

Б) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига.

С) Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси давлат хизматчилари одоб-ахлоқининг намунавий қоидаларига, Одоб-ахлоқ комиссияси тўғрисидаги намунавий низомга ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Д) Барча жавоблар тўғри

**18. Одоб-ахлоқ комиссияси комиссия раиси, котиби ва аъзоларидан иборат бўлиб, умумий сони неча нафардан кам бўлмаслиги лозим?**

А) 6 нафардан кам бўлмаслиги ва тоқ сонда бўлиши лозим

Б) 8 нафардан кам бўлмаслиги ва тоқ сонда бўлиши лозим

С) 10 нафардан кам бўлмаслиги ва тоқ сонда бўлиши лозим

Д) беш нафардан кам бўлмаслиги ва тоқ сонда бўлиши лозим

**19. Комиссия таркибига кимлар киритилади?**

А) обрў-эътиборга сазовор бўлган давлат хизматчилари киритилади

B) давлат хизматчилари киритилади  
C) тажрибали хизматчилар киритилади  
D) тажрибали, меҳнат жамоасида обрў-эътиборга сазовор бўлган давлат хизматчилари киритилади

**19. Комиссия таркиби давлат органи ва ташкилоти раҳбари қарори билан тасдиқланади ва қандай муддатда фаолият юритади?**

- A) вақтинча фаолият юритади
- B) 5 йил муддат давомида фаолият юритади
- C) 10 йил муддат давомида фаолият юритади
- D) доимий равишда фаолият юритади

**20. Комиссия таркибига комиссия томонидан қабул қилинадиган қарорларга таъсир кўрсатиш мумкин бўлган манфаатлар тўқнашуви эҳтимолини назарда тутган ҳолда ўзгартириш киритилиши мумкини?**

- A) Ўзгартириш киритилади
- B) 2 нафаргача ўзгартириш киритилади
- C) аъзолар 5 нафаргача қўпайтирилади
- D) Ўзгартириш киритилмайди

**21. Комиссия мажлислари, агар уларда Комиссия аъзолари умумий сонининг камида қанчаси ҳозир бўлса, ваколатли ҳисобланади?**

- A) учдан бир
- B) учдан икки
- C) кўпчилик
- D) ярми

**22. Комиссия мажлислари қай тарзда ўтказилади?**

- A) Ёпиқ
- B) Очиқ
- C) Очиқ ва ёпиқ
- D) Ошкора

**23. Комиссия мажлисида баённома юритилади, у кимлар томонидан имзоланади?**

- A) Комиссия котиби
- B) Қатнашчилар
- C) Мудир
- D) Раислик қилувчи ва Комиссия котиби

**НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ**

1. Давлат хизматчиларини хизмат вазифаларини бажариш билан боғлиқ таҳдид, ҳақорат, түхмат ва қонунга хилоф бошқа хатти-харакатлардан ҳимоя қилиш кимлар томонидан амалга оширилади?
2. Манфаатлар тўқнашуви юзага келган тақдирда ходимлар аввало кимни дарҳол хабардор қилиши шарт?
3. Давлат хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши устидан назорат қайси бўлимлар ёки комиссиялар томонидан амалга оширилади ?
4. Давлат хизматчилари томонидан Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этмаганлик учун жавобгарлик деганда нимани тушунасиз?
5. Давлат хизматчилари томонидан Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этмаганлик учун уларга нисбатан қандай чоралар кўрилади?
6. Одоб-ахлоқ комиссияси одоб-ахлоқ қоидалари давлат органи ва ташкилоти раҳбари томонидан бузилган тақдирда, уларга нисбатан тегишли чора кўриш масаласи юзасидан таклифларни кимга юборади?
7. Одоб-ахлоқ комиссияси қандай низоларни кўриб чиқиш мақсадида тузилади ?
8. Комиссия фаолиятини қайси ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади?
9. Комиссия аъзолари таркиби ва унга қўйиладиган талаблар қандай?
10. Комиссиянинг асосий вазифалари нималардан иборат?
11. Комиссия ўз ваколатлари доирасида амалга оширадиган ишларни санаб беринг.
12. Комиссия мажлисида қайси ҳужжат юритилади?
13. Комиссия мажлисларида Комиссия аъзолари умумий сонининг қанча қисми ҳозир бўлса, ваколатли ҳисобланади?

## Тақдимот материаллари

Вазирлар Махкамасининг 2022 йил 14 октябрдаги 595-сон қарори билан тасдиқланган  
Давлат фуқаролик хизматчилари одоб-аҳлоқининг  
НАМУНАВИЙ ҚОИДАЛАРИ

### ЖАМОАТЧИЛИК ВАКИЛЛАРИ, ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАР БИЛАН ИШЛАШДА ОДОБ-АҲЛОҚ ҚОИДАЛАРИГА РИОЯ ҚИЛИШ ВА УНИНГ АҲДАМИЯТИ, МАНФААТЛАР ТҮҚНАШУВИ ВА КОРРУПЦИЯ ҲОЛАТЛАРИНИНГ ОЛДНИ ОЛИШ ТҮҒРИСИДА



Вазирлар Махкамасининг 2022 йил 14 октябрдаги 595-сон қарори билан тасдиқланган  
Давлат фуқаролик хизматчилари одоб-аҳлоқининг  
НАМУНАВИЙ ҚОИДАЛАРИ

Давлат сиёсати ёки давлат  
органдарни ва ташкилотлари  
фаолияти түғрисидаги оммавий  
баёнотлар ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ  
ВА ТАШКИЛОТЛАРИ РАҲБАРИ  
ЁКИ МАЗКУР ЙЎНАЛИШ БЎЙИЧА  
ВАКОЛАТЛИ МАНСАБДОР ШАХС  
ТОМОНИДАН амалга оширилади



## Қонунга кўра ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА БОШҚАРУВИ ОРГАНЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДАГИ АХБОРОТ ЖУМЛАСИГА ҚУЙИДАГИЛАР КИРАДИ:

давлат органларининг, уларнинг тарқибий ва худудий бўлгималарининг ҳуқуқий **МАҚОМИНИ** БЕЛГИЛОВЧИ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР

давлат органлари томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, норматив ҳамда бошқа ҳужжатлар, шунингдек уларнинг **ИЖРО ЭТИЛИШИННИНГ БОРШИ ТЎҒРИСИДАГИ МАЪЛУМОТЛАР**

давлат ҳокимиияти ва бошқаруви органлари томонидан қабул қилинган **НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР**

давлат органлари томонидан ишлаб чиқилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг **НОРМАТИВ ВА БОШҚА ҲУЖЖАТЛАРНИНГ ЛОЙИҲАЛАРИ** тўғрисидаги маълумотлар

давлат органлари томонидан **ДАВЛАТ ДАСТУРЛАРИ ҲАМДА БОШҚА ДАСТУРЛАР АМАЛГА ОШИРИЛИШИ** тўғрисидаги маълумотлар

**МАБЛАГЛАРДАН ФОЙДАЛАНИЛИШИ**, ўтказилган танновлар ва олинган товарларнинг отказиб берилиши тўғрисида уз расмий веб-сайтларига жойлаштириладиган тегишли ахборот

давлат органлари томонидан ўтказиладиган **ОММАВИЙ ТАДБИРЛАР** (мажлислар, кенгашлар, учрашувлар, матбуот конференциялари, брифинглар, семинарлар, давра сұхбатлари ва бошқалар) тўғрисидаги маълумотлар



Давлат органларининг ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотни тайёрлаш ҳамда тарқатиш вазифалари, шунингдек оммавий ахборот воситалари ва жамоатчилик билан ҳамкорликни таъминлаш **АХБОРОТ ХИЗМАТИГА ЮКЛАТИЛАДИ**



## АХБОРОТ ХИЗМАТИ

Оммавий тадбирларни ташкил этиш, ахборот хабарларини (пресс-релизлар, бюллетенлар ва хоказоларни) тарқатиш, шунингдек давлат органларининг расмий веб-сайтида уларнинг фаолияти түғрисидаги ахборотни жойлаштириш ва янгилаб бориш йўли билан давлат органларининг фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритиш чоратадбирларини кўради




Оммавий ахборот воситалари, жамоатчилик вакиллари давлат органларининг фаолияти түғрисида ахборот олишга доир **СЎРОВ ЮБОРИШИ МУМКИН**

Оммавий ахборот воситасининг давлат органларининг фаолияти түғрисида ахборот олишга доир, шунингдек мансабдор шахсларнинг интервьююсини ташкил этиш түғрисидаги сўрови кўпи билан **7 КУНЛИК МУДДАТДА КЎРИБ ЧИҚЛАДИ**



**Сўровни кўриб чиқиш давлат органларининг  
ваколатларига кирмаса, сўров сўралаётган  
ахборотни тақдим этиш ваколатига киритилган  
органига рўйхатдан ўтказилган кундан  
эътиборан **3 ИШ КУНИ ИЧИДА ЮБОРИЛАДИ**,  
ахборотдан фойдаланувчи эса бу ҳакда  
хабардор қилинади**



**Расмий нашрларда, оммавий ахборот  
воситаларида эълон қилинган ёхуд расмий  
веб-сайтларда жойлаштирилган ахборот  
сўралганда давлат органлари сўровга  
бериладиган жавобда сўралаётган ахборот  
эълон қилинган расмий нашрнинг, оммавий  
ахборот воситасининг номи, чиқарилиш  
санаси ҳамда рақамини ва (ёки)  
**СЎРАЛАЁТГАН АХБОРОТ**  
**ЖОЙЛАШТИРИЛГАН РАСМИЙ ВЕБ-  
САЙТНИНГ ЭЛЕКТРОН МАНЗИЛИНИ  
КЎРСАТГАН ҲОЛДА ҲАВОЛА БЕРИШИ**  
**МУМКИН****



**Сўров рад этилган тақдирда  
ахборотдан фойдаланувчига  
асослантирилган жавоб юборилади**

## ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИ ҲАР ЙИЛИ:

### 1 МАРТГАЧА

ўз фаолиятига оид  
хисоботни расмий веб-  
сайтларига жойлаштириб



### 10 МАРТГАЧА

уни кенг жамоатчилик  
иштирокида мухокама  
қилиш жойи ва вақти  
ҳақида хабар беради



### 1 АПРЕЛГАЧА

ўз фаолиятига оид ҳисоботни  
кенг жамоатчилик иштирокида  
мухокама қилиш учун матбуот  
анжуманларини ўтказади



Давлат органлари Ўзбекистон Республикасининг Очиқ  
маълумотлар порталига ва ўз расмий веб-сайтларига  
жойлаштириб, уларни ҳар чоракда янгилаёт борадиган

### 35 ТА МАЪЛУМОТЛАР РЎЙХАТИ

тасдиқланган



## ҚҮЙИДАГИ ҲОЛЛАРДА ОММАВИЙ БАЁНОТ БЕРИЛИШИ МУМКИН ЭМАС:

1



оммавий баёнот матни ва мазмуни давлат сиёсати  
ёки давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига  
алоқадор бўлмаса

2



оммавий баёнотда келтириладиган ахборотлар давлат  
сирлари билан боғлиқ бўлса

3



оммавий баёнот бошқа давлат органлари ва ташкилотлари  
нуфузини пасайтириш ёки уларнинг мансабдор шахсларини  
камситишга йўналтирилган бўлса

Давлат хизматида жамоатчилик  
назоратини таъминлаш мақсадида  
жамоатчилик томонидан **ДАВЛАТ  
ОРГАНЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИ**  
**ФАОЛИЯТИГА ОИД АЙБЛОВ ЁКИ  
ТАНҚИД БИЛДИРИЛГАН ТАҚДИРДА,**  
давлат органлари ва ташкилотлари  
унга нисбатан билдирилган айблов  
ёки танқидга **ОММАВИЙ ИЗОҲ, ЁХУД  
РАДДИЯ БЕРИШИ ЛОЗИМ**



**Агар оммавий баёнотда  
ФУҚАРОЛАРНИНГ ШАЬНИ  
ҲАМДА ҚАДР-ҖИММАТИНИ  
КАМСИТАДИГАН ИБОРАЛАР  
БЎЛСА, давлат хизматчиси ўз  
фикрларининг янгилишлиги ёки  
нотўғрилигини тан олиши ҳамда  
шаъни, қадр-кимматига ва  
ишчанлик обрўсига дахл  
қилинган фуқародан кечирим  
сўраши шарт**

**Давлат хизматчилари мансаб ёки хизмат  
мажбуриятларини бажариш вақтида  
манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ёки  
олиб келиши мумкин бўлган ШАХСИЙ  
МАНФААТДОРЛИККА ЙЎЛ ҚЎЙМАСЛИГИ КЕРАК**



**Манфаатлар тўқнашуви юзага келган  
такдирда ходимлар ўзининг раҳбарини  
ДАРҲОЛ ХАБАРДОР ҚИЛИШИ шарт**

**Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги  
тўғрисида маълумотлар олган раҳбар бу  
тўқнашувнинг олдини олиш ёки уни бартараф  
этиш юзасидан ЎЗ ВАҚТИДА ЧОРАЛАР  
КЎРИШГА МАЖБУР**



**З-мавзу. Давлат фуқаролик хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши, Одоб-ахлоқ комиссиялари фаолияти, улар томонидан ходимлар ўртасида одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш учун профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш ҳамда жавобгарлик масалалари**

1. Давлат хизматчиларининг манфаатини ҳимоя қилиш
2. Одоб-ахлоқ комиссиялари фаолияти, профилактика чораларини кўриш

**1. Давлат хизматчиларининг манфаатини ҳимоя қилиш**

Давлат хизматчиларини хизмат вазифаларини бажариш билан боғлиқ таҳдид, ҳақорат, тухмат ва қонунга хилоф бошқа хатти-ҳаракатлардан ҳимоя қилиш давлат органлари ва ташкилотларининг раҳбарлари томонидан амалга оширилади.

Зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришга тўсқинлик қилиш, жиноят ёки бошқа ҳуқуқбузарлик содир этишга оғдиришга қаратилган мурожаатлар, шунингдек, ҳамкаслари томонидан содир этилган ёки содир этишга тайёргарлик кўрилаётган қонунбузилишлар ҳақида хабар берган ходимларни вужудга келиши мумкин бўлган таҳдид ва хавф-хатарлардан ҳимоя қилиш чоралари кўрилади.

Давлат хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши устидан назорат давлат органлари ва ташкилотларининг инсон ресурсларини бошқариш бўлинмалари ёки Одоб-ахлоқ комиссиялари, шунингдек маҳсус ваколатли давлат органи томонидан амалга оширилади.

Давлат органлари ва ташкилотларида лавозимга тайинланган давлат хизматчилари инсон ресурсларини бошқариш бўлинмалари томонидан мазкур Одоб-ахлоқ қоидалари билан тилхат асосида имзо қўйдирган ҳолда таништирилади.

Мазкур Одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари бўйича хизмат текшируви давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарининг кўрсатмасига мувофиқ Одоб-ахлоқ комиссиялари томонидан ўтказилади.

Хизмат текшируванинің үтказиши тартиби давлат органлари ва ташкилотлари томонидан белгиланади.

Давлат хизматчилари томонидан Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этмаганлик ҳолати уларга нисбатан ахлоқий ва интизомий таъсир чораларини қўллаш учун асос бўлади.

Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этмаганлик учун Одоб-ахлоқ комиссияси томонидан давлат хизматчиларига қўйидаги ахлоқий таъсир чоралари қўлланилади:

огоҳлантириш;

узр сўраш ёки расмий узрнома келтиришни талаб қилиш;

давлат органлари ва ташкилотларининг коллегиал йиғилишларида танбех бериш.

Одоб-ахлоқ комиссияси давлат хизматчисига нисбатан интизомий таъсир чорасини қўллаш учун давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарига тақдимнома киритиши мумкин.

Одоб-ахлоқ комиссияси одоб-ахлоқ қоидалари давлат органи ва ташкилоти раҳбари томонидан бузилган тақдирда, уларга нисбатан тегишли чора кўриш масаласи юзасидан таклифларни юкори турувчи давлат органи ва ташкилоти раҳбарига юборади.

Давлат хизматчисининг Одоб-ахлоқ қоидаларини бузиши уларни қонунга мувофиқ интизомий ва бошқа жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

## **2. Одоб-ахлоқ комиссиялари фаолияти, профилактика чораларини кўриш**

Комиссия давлат фуқаролик хизматлари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини назорат қилиши, уларнинг ахлоқ нормаларига зид бўлган хатти-харакатларининг олдини олиши ва одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш билан билан боғлиқ низоларни кўриб чиқиши учун тузилади.

Комиссия Комиссия раиси, котиби ва аъзоларидан иборат бўлиб, умумий сони беш нафардан кам бўлмаслиги ва тоқ сонда бўлиши лозим.

Комиссия таркибига тажрибали, меҳнат жамоасида обрў-эътиборга сазовор бўлган давлат хизматчилари киритилади.

Комиссия таркиби давлат органи ва ташкилоти раҳбарининг қарори билан тасдиқланади ва доимий равишда фаолият юритади.

Комиссия таркибига комиссия томонидан қабул қилинадиган қарорларга таъсир кўрсатиш мумкин бўлган манфаатлар тўқнашуви эҳтимолини назарда тутган ҳолда ўзгартериш киритилади.

Комиссиянинг асосий вазифалари қуидагилардан иборат:

давлат хизматчиларининг идоравий одоб-ахлоқ қоидаларини ишлаб чиқиш;

давлат хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши масалаларини кўриб чиқиш, хизмат текширувларини ўтказиш;

давлат хизматчилари ўртасида ахлоқ нормаларига зид бўлган хатти-ҳаракатларнинг олдини олишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат хизматчиларининг хатти-ҳаракатларига доир мурожаатларини кўриб чиқиш;

давлат хизматчиларининг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш;

давлат хизматчиларининг одоб-ахлоқ қоидаларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

давлат хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши ҳолатини таҳлил қилиш, натижалари ҳақида давлат органи ва ташкилоти раҳбари ва жамоатчиликни хабардор қилиб бориш.

Комиссия ўз ваколатлари доирасида:

давлат хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади;

давлат хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши билан боғлиқ масалалар юзасидан хulosалар тайёрлайди;

давлат хизматчиларининг одоб-ахлоқ қоидалари билан боғлиқ масалаларини кўриб чиқиш жараёнида зарур ахборотни сўраб олади;

кўриб чиқиш учун киритилган масалаларни ҳал этиш учун Комиссия мажлисларига эксперtlар ва мутахассисларни жалб қиласди;

одоб-ахлоқ қоидаларига оид масалалар юзасидан давлат хизматчиларига тегишли маслаҳат ва тушунтиришлар беради;

зарур ҳолларда, Комиссияда кўриб чиқилган масалалар бўйича давлат хизматчисини интизомий жавобгарликка тортиш юзасидан давлат органи ва ташкилоти раҳбарига таклиф киритади.

Комиссия давлат органи ва ташкилотининг таркибий бўлинмалари, бошқа давлат органлари ва ташкилотлари, мансабдор шахслари ва жамоатчилик билан ҳамкорлик қиласиди.

Комиссия мажлислари заруриятга қараб ўтказилади.

Комиссия мажлислари очик тарзда ўтказилади. Зарур бўлган ҳолларда Комиссия ёпиқ мажлис ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Комиссия мажлисини Комиссия раиси, у йўқлигига эса, унинг топшириғига биноан Комиссия аъзоларидан бири олиб боради. Комиссия мажлисида баённома юритилади, у раислик қилувчи ва Комиссия котиби томонидан имзоланади.

Комиссия мажлислари, агар уларда Комиссия аъзолари умумий сонининг камидаги учдан икки қисми ҳозир бўлса, ваколатли ҳисобланади.

Комиссиянинг навбатдаги мажлиси тўғрисида унинг раиси Комиссия аъзоларига ёзма равища, қоида тариқасида, камидаги икки кун олдин хабар қиласиди, шунингдек мажлиснинг бошқа иштирокчиларини олдиндан хабардор этади.

Комиссиянинг қарорлари мажлисда қатнашган Комиссия аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар teng бўлган ҳолларда Комиссия раисининг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

Комиссиянинг қарорлари Комиссия раиси томонидан имзоланади.

Комиссия раиси:

Комиссия ишини ташкил этади;

Комиссия мажлисларини чақиради ва ўтказади;

Комиссия аъзоларига топшириқлар беради;

давлат органи ва ташкилотининг таркибий бўлинмалари, бошқа давлат органлари ва ташкилотлари, мансабдор шахслар ва жамоатчилик билан бўлган муносабатларда Комиссия номидан иш юритади;

Комиссия мажлисларида Комиссия фаолияти тўғрисидаги ахборот билан сўзга чиқади;

ҳар йили давлат органи ва ташкилоти раҳбарига Комиссия фаолияти тўғрисида ҳисобот тақдим этади.

Комиссия котиби:

Комиссиянинг фаолиятини ташкилий-техник жиҳатдан таъминлаш масалаларини ҳал қиласди;

Комиссиянинг навбатдаги мажлисига барча зарур материаллар ўз вақтида тайёрланишини таъминлайди, давлат органи ва ташкилоти ходимларидан зарур хужжатлар ва маълумотларни сўраб олади;

кун тартибига мувофиқ Комиссия мажлислари ўтказилишини ташкил этади;

Комиссиянинг аъзоларини ва таклиф этилган шахсларни Комиссия мажлиси ўтказиладиган жой, сана ва вақт ҳамда кун тартибига киритилган масалалар ҳақида хабардор қиласди;

Комиссия мажлисининг баённомасини расмийлаштиради ва тасдиқланган баённоманинг манфаатдор шахсларга жўнатилишини таъминлайди.

Комиссия аъзоси:

Комиссия томонидан кўриб чиқиладиган барча масалалар бўйича овоз беришга;

Комиссиянинг кўриб чиқиши учун масалалар ва таклифлар киритишга;

қарорлар тайёрланишида, муҳокамасида, қабул қилинишида, шунингдек уларнинг амалга оширилишини ташкил этишда ҳамда бажарилишини назорат қилишда иштироқ этишга;

кўриб чиқилаётган масалага доир хужжатлар, маълумотномалар ва бошқа зарур ахборот билан танишишга;

Комиссия қарорига рози бўлмаган тақдирда ўз нуқтаи назарини баён этишга ҳақли.

Комиссия аъзоси Комиссия мажлисида ҳозир бўлиши ва ўзига юклатилган мажбуриятларни бажариши шарт.

Комиссия аъзоси Комиссия мажлисида ҳозир бўлиш имкони бўлмаганда Комиссия раисини олдиндан хабардор этиши лозим.

Комиссия мажлисида кўрилаётган масалалар Комиссия раиси, котиби ва аъзоларига бевосита ёки билвосита боғлиқ бўлган тақдирда ўзини ўзи рад қилиши шарт.

Комиссия давлат органлари ва ташкилотларининг инсон ресурсларини бошқариш бўлинмалари билан биргалиқда мунтазам равишда давлат хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши ва уларнинг бузилишини олдини олишга қаратилган куйидагиларни назарда тутувчи профилактик комплекс чора-тадбирларни амалга оширади:

давлат хизматчиларида юксак касбий маданиятни, жамоада соғлом маънавий муҳит ва ишchan кайфиятни шакллантириш;

давлат хизматчиларини “ҳалоллик вакцинаси” билан эмлаш, яъни ҳалолликни уларнинг онгиға сингдириш, маърифат орқали уларда коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш кайфиятини шакллантириш;

давлат органи ва ташкилотида таниқли зиёлилар, ижодкорлар, маънавият ва маърифат соҳасининг кўзга кўринган намоёндалари, ўз соҳасида юксак натижаларга эришган меҳнат фахрийларини жалб қилган ҳолда, учрашувлар ташкил қилиб бориш;

давлат органи ва ташкилотида ходимларининг касбий ва бошқарув қўнимларни ўсишини, шунингдек уларнинг малакасини доимий равишда оширишни, улар томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этишларини таъминлаш мақсадида уларнинг билимлари ва малакасини доимий такомиллаштириш ишларини таъминлаш;

давлат хизматчиларининг иқтисодий билимларини, ҳуқуқий саводхонлигини, ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини, интеллектуал ва маънавий ривожланишини ошириш мақсадида иқтисодий ва ҳуқуқий ўқишлилар ташкил этиш;

янги ишга қабул қилинган давлат хизматчиларини одоб-ахлоқ қоидаларига қатъий риоя қилиш борасида стажировкадан ўтказиш ва улар билан профилактик сухбатлар ташкил қилиш;

давлат хизматчиларини малака ошириш курсларига, халқаро семинарлар, конференциялар ва шу каби бошқа тадбирларга юбориш, улар томонидан ўз касбий даражаси ва ахлоқий сифатларини мустақил оширишлари учун шарт-шароит яратиб бериш.

Комиссия давлат хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидалари бузилишининг олдини олиш (профилактика) борасидаги ўз фаолиятини

Комиссия томонидан тасдиқланадиган чораклик иш режалари асосида олиб боради.

Давлат хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидалари бузилишининг олдини олиш (профилактика) чоралари Комиссия томонидан давлат органи ва ташкилотининг тегишли таркибий бўлинмалари раҳбарлари ҳамда касаба уюшмалари қўмиталари билан биргаликда ташкил этилади.

Давлат хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидалари бузилишининг олдини олиш (профилактика) чораларининг натижадорлиги йил якунлари бўйича ўтказиладиган Комиссия ийғилишида муҳокама қилинади.

Комиссия давлат хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилишлари билан боғлиқ масалаларни:

давлат органи ва ташкилоти раҳбарининг топшириғига кўра;  
хуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг мурожаатига асосан;  
давлат хизматчиларнинг, шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига биноан;  
ўз ташаббуси билан кўриб чиқади.

Комиссия мажлисига, ҳақиқий ҳолатларни аниқлаш ва холисона қарор қабул қилиш мақсадида, ўзига нисбатан масала кўриб чиқилаётган давлат хизматчиси, зарур бўлган ҳолларда эса, мурожаат қилувчи ва бошқа шахслар таклиф этилади. Комиссия мажлисининг вақти ва жойи ҳақида тегишли равишда хабардор этилган шахсларнинг келмаслиги мурожаатни кўриб чиқиши учун тўсқинлик қилмайди.

Комиссия мажлисида:

кун тартибидаги масала ўқиб эшиттирилади;  
давлат органи ва ташкилоти раҳбарининг топшириғи ёки давлат хизматчиси томонидан одоб-ахлоқ қоидалари бузилганлиги тўғрисидаги мурожаат ўқиб эшиттирилади;

одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этмаганликда айбланаётган давлат хизматчиси ва мурожаатчиларнинг тушунтиришлари эшитилади.

Давлат хизматчиси ўзининг хуқуқи, шаъни ва қадр-қимматига, ишchanлик обрўсига дахл қиладиган мурожаат бўйича амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ўзини ҳимоя қилишга, Комиссияга зарур материаллар ҳамда бошқа ахборотларни тақдим этишга ҳақли.

Мажлис якуни бўйича Комиссия давлат хизматчисининг ҳаракатларида одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши фактининг мавжудлигини ёхуд мавжуд эмаслиги тўғрисида қарор қабул қиласди.

Одоб-ахлоқ қоидалари бузилганлиги факти аниқланган тақдирда Комиссия томонидан давлат хизматчиларига қўйидаги ахлоқий таъсир чоралари кўлланилади:

огоҳлантириш;

урз сўраш ёки расмий узрнома келтиришни талаб қилиш;

давлат органи ва ташкилотининг коллегиал йиғилишларида танбех бериш.

Комиссия давлат хизматчисига нисбатан интизомий таъсир чорасини кўллаш учун давлат органи ва ташкилоти раҳбарига тақдимнома киритиши мумкин.

Комиссия томонидан қўйидаги мурожаатлар кўриб чиқилмайди:

комиссияда олдин кўриб чиқилган мурожаат ва айнан шу мазмундаги такрор мурожаатлар;

аноним мурожаатлар;

конунда белгиланган бошқа талабларга мувофиқ бўлмаган мурожаатлар.

Комиссия қабул қилинган қарор ҳақида мурожаат қилувчига, ўзига нисбатан масала кўриб чиқилган давлат хизматчисига ва давлат органи ва ташкилоти раҳбарига ёзма равишда маълум қиласди.

Комиссия одоб-ахлоқ қоидалари давлат органи ва ташкилоти раҳбари томонидан бузилган тақдирда уларга нисбатан тегишли чора кўриш масаласи юзасидан таклифларни юқори турувчи давлат органи ва ташкилоти раҳбарига юборади.

Комиссиянинг қарори устидан давлат органи ва ташкилоти раҳбарига ёки судга шикоят қилиш мумкин.

Давлат хизматчиси томонидан одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши ҳақидаги мурожаат унинг ташаббускори томонидан Комиссия қарори қабул қилингунига қадар қайтариб олиниши мумкин.

Тарафлар ярашган, шунингдек давлат хизматчиси ўз хоҳиши билан мурожаатчидан ошкора урз сўраган ҳолларда, унга нисбатан таъсир чоралари кўлланилмаслиги мумкин.

## ТЕСТ САВОЛАРИ

**1. Комиссиянинг навбатдаги мажлиси тўғрисида ким Комиссия аъзоларига ёзма равища, қоида тариқасида, қамида икки кун олдин хабар қиласди, шунингдек мажлиснинг бошқа иштирокчиларини олдиндан хабардор этади?**

- A) котиб
- B) иш бошқарувчи
- C) мудир
- D) раис

**2. Одоб-ахлоқ комиссиясининг асосий вазифалари тўлиқ кўрсатилган жавобни белгиланг?**

А) давлат хизматчиларининг идоравий одоб-ахлоқ қоидаларини ишлаб чиқиш, давлат хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши масалаларини кўриб чиқиш, хизмат текширувларини ўтказиш, давлат хизматчилари ўртасида ахлоқ нормаларига зид бўлган хатти-ҳаракатларнинг олдини олишга қаратилган комплекс чоратадбирларни амалга ошириш

Б) жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат хизматчиларининг хатти-ҳаракатларига доир мурожаатларини кўриб чиқиш, давлат хизматчиларининг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш

С) давлат хизматчиларининг одоб-ахлоқ қоидаларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш, давлат хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши ҳолатини таҳлил қилиш, натижалари ҳақида давлат органи ва ташкилоти раҳбари ва жамоатчиликни хабардор қилиб бориш

- D) барча жавоблар тўғри

**3. Комиссия ўз ваколатлари доирасида амалга оширадиган ишлар тўлиқ кўрсатилган жавобни белгиланг?**

А) давлат хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади, давлат хизматчилари

томонидан одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши билан боғлиқ масалалар юзасидан хулосалар тайёрлайди

В) давлат хизматчиларининг одоб-ахлоқ қоидалари билан боғлиқ масалаларини кўриб чиқиш жараёнида зарур ахборотни сўраб олади, кўриб чиқиш учун киритилган масалаларни ҳал этиш учун Комиссия мажлисларига эксперталар ва мутахассисларни жалб қиласди

С) одоб-ахлоқ қоидаларига оид масалалар юзасидан давлат хизматчиларига тегишли маслаҳат ва тушунтиришлар беради, зарур ҳолларда, Комиссияда кўриб чиқилган масалалар бўйича давлат хизматчисини интизомий жавобгарликка тортиш юзасидан давлат органи ва ташкилоти раҳбарига таклиф киритади

Д) барча жавоблар тўғри

#### **4. Одоб-ахлоқ комиссияси кимлар билан ҳамкорлик қиласди?**

А) давлат органи ва ташкилотининг таркибий бўлинмалари билан ҳамкорлик қиласди

Б) бошқа давлат органлари ва ташкилотлари, мансабдор шахслари ва жамоатчилик билан ҳамкорлик қиласди

С) мансабдор шахслар ва жамоатчилик билан ҳамкорлик қиласди

Д) давлат органи ва ташкилотининг таркибий бўлинмалари, бошқа давлат органлари ва ташкилотлари, мансабдор шахслари ва жамоатчилик билан ҳамкорлик қиласди

#### **5. Комиссия мажлислари қандай ҳолатларда ўтказилади?**

А) очик тарзда ўтказилади

Б) ёпиқ тарзда ўтказилади

С) белгиланган тартибда ўтказилади

Д) заруриятга қараб ўтказилади

#### **6. Комиссия мажлисини Комиссия раиси, у йўқлигига эса, ...**

А) унинг топшириғига биноан Комиссия аъзоларидан бири олиб боради

Б) Комиссия аъзоларидан бири олиб боради

С) унинг топшириғига биноан Комиссия раисининг иккинчи ўринbosар олиб боради

D) унинг топшириғига биноан Комиссия раиси ўринбосари олиб боради

**7. Комиссиянинг қарорлари мажлисда қатнашган Комиссия аъзоларининг ...**

- A) овози билан қабул қилинади
- B) кўпчилик овози билан қабул қилинади
- C) қатнашчиларнинг 33 фоиз овози билан қабул қилинади
- D) қатнашчиларнинг 50 фоиз овози билан қабул қилинади

**8. Овозлар тенг бўлган ҳолларда...**

- A) қарор қабул қинмаган ҳисобланади
- B) қарор қабул қилинган ҳисобланади
- C) комиссия раисининг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади
- D) комиссия раисининг овози ҳеч қандай аҳамият касб этмайди

**9. Қандай масалалар комиссия раисининг ваколатларига киради?**

- A) Комиссия ишини ташкил этади, комиссия мажлисларини чакиради ва ўтказади
- B) Комиссия аъзоларига топшириқлар беради, давлат органи ва ташкилотининг таркибий бўлинмалари, бошқа давлат органлари ва ташкилотлари, мансабдор шахслар ва жамоатчилик билан бўлган муносабатларда Комиссия номидан иш юритади
- C) Комиссия мажлисларида Комиссия фаолияти тўғрисидаги ахборот билан сўзга чиқади, ҳар йили давлат органи ва ташкилоти раҳбарига Комиссия фаолияти тўғрисида ҳисобот тақдим этади
- D) барча жавоблар тўғри

**10. Қандай масалалар Комиссия котибининг ваколатларига киради?**

- A) Комиссиянинг фаолиятини ташкилий-техник жиҳатдан таъминлаш масалаларини ҳал қиласди, Комиссиянинг навбатдаги мажлисига барча зарур материаллар ўз вақтида тайёрланишини таъминлайди, давлат органи ва ташкилоти ходимларидан зарур

хужжатлар ва маълумотларни сўраб олади кун тартибига мувофиқ Комиссия мажлислари ўтказилишини ташкил этади

В) Комиссия аъзоларини ва таклиф этилган шахсларни Комиссия мажлиси ўтказиладиган жой, сана ва вақт ҳамда кун тартибига киритилган масалалар ҳақида хабардор қиласди

С) Комиссия мажлисининг баённомасини расмийлаштиради ва тасдиқланган баённоманинг манфаатдор шахсларга жўнатилишини таъминлайди

Д) барча жавоблар тўғри

## **11. Қандай масалалар Комиссия аъзосининг ваколатига киради?**

А) Комиссия томонидан кўриб чиқиладиган барча масалалар бўйича овоз беришга, Комиссия кўриб чиқиши учун масалалар ва таклифлар киритишга

Б) қарорлар тайёрланишида, муҳокамасида, қабул қилинишида, шунингдек уларнинг амалга оширилишини ташкил этишда ҳамда бажарилишини назорат қилишда иштирок этишга, кўриб чиқилаётган масалага доир ҳужжатлар, маълумотномалар ва бошқа зарур ахборот билан танишишга

С) Комиссия қарорига рози бўлмаган тақдирда ўз нуқтаи назарини баён этишга ҳақли

Д) барча жавоблар тўғри

## **12. Комиссия мажлисида кўрилаётган масалалар ...**

А) аъзоларига бевосита ёки билвосита боғлиқ бўлган тақдирда ўзини ўзи рад қилиши шарт

Б) котиби ва аъзоларига бевосита ёки билвосита боғлиқ бўлган тақдирда ўзини ўзи рад қилиши шарт

С) фуқарога бевосита ёки билвосита боғлиқ бўлган тақдирда ўзини ўзи рад қилиши шарт

Д) Комиссия раиси, котиби ва аъзоларига бевосита ёки билвосита боғлиқ бўлган тақдирда ўзини ўзи рад қилиши шарт

**13. Комиссия давлат органлари ва ташкилотларининг инсон ресурсларини бошқариш бўлинмалари билан биргаликда мунтазам равища давлат хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши ва уларнинг бузилишини олдини олишга қаратилган қандай профилактик комплекс чора-тадбирларни амалга оширади?**

А) давлат хизматчиларида юксак касбий маданиятни, жамоада соғлом маънавий муҳит ва ишchan кайфиятни шакллантириш, давлат хизматчиларини "ҳалоллик вакцинаси" билан эмлаш, яъни ҳалолликни уларнинг онгиға сингдириш, маърифат орқали уларда коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш кайфиятини шакллантириш, давлат органи ва ташкилотида таниқли зиёлилар, ижодкорлар, маънавият ва маърифат соҳасининг кўзга кўринган намоёндалари, ўз соҳасида юксак натижаларга эришган меҳнат фахрийларини жалб қилган ҳолда, учрашувлар ташкил қилиб бориш

Б) давлат органи ва ташкилотида ходимларининг касбий ва бошқарув кўникмалари ўсишини, шунингдек уларнинг малакасини доимий равища оширишни, улар томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этишларини таъминлаш мақсадида уларнинг билимлари ва малакасини доимий такомиллаштириш ишларини таъминлаш, давлат хизматчиларининг иқтисодий билимларини, ҳуқуқий саводхонлигини, ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини, интеллектуал ва маънавий ривожланишини ошириш мақсадида иқтисодий ва ҳуқуқий ўқишлилар ташкил этиш

С) янги ишга қабул қилинган давлат хизматчиларини одоб-ахлоқ қоидаларига қатъий риоя қилиш борасида стажировкадан ўтказиш ва улар билан профилактик сухбатлар ташкил қилиш, давлат хизматчиларини малака ошириш курсларига, халқаро семинарлар, конференциялар ва шу каби бошқа тадбирларга юбориш, улар томонидан ўз касбий даражаси ва ахлоқий сифатларини мустақил оширишлари учун шарт-шароит яратиб бериш

Д) барча жавоблар тўғри

**14. Комиссия давлат хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидалари бузилишининг олдини олиш (профилактика) борасидаги ўз фаолиятини Комиссия томонидан тасдиқланадиган ...**

- A) йиллик иш режалари асосида олиб боради
- B) олти ойлик иш режалари асосида олиб боради
- C) 5 йиллик иш режалари асосида олиб боради
- D) чораклик иш режалари асосида олиб боради

**15. Давлат хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидалари бузилишининг олдини олиш (профилактика) чоралари кимлар (органлар) томонидан амалга оширилади?**

- A) Одоб-ахлоқ комиссияси томонидан ташкил этилади.
- B) Давлат органи ва ташкилотининг тегишли таркибий бўлинмалари раҳбарлари ҳамда қасаба уюшмалари қўмиталари билан биргаликда ташкил этилади
- C) қасаба уюшмалари қўмиталари билан биргаликда ташкил этилади
- D) Одоб-ахлоқ комиссияси томонидан давлат органи ва ташкилотининг тегишли таркибий бўлинмалари раҳбарлари ҳамда қасаба уюшмалари қўмиталари билан биргаликда ташкил этилади

**16. Давлат хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидалари бузилишининг олдини олиш (профилактика) чораларининг натижадорлиги...**

- A) йил якунлари бўйича ўтказиладиган Комиссия йиғилишида муҳокама қилинади
- B) уч ойда ўтказиладиган Комиссия йиғилишида муҳокама қилинади
- C) ҳар чоракда ўтказиладиган Комиссия йиғилишида муҳокама қилинади
- D) олти ойда ўтказиладиган Комиссия йиғилишида муҳокама қилинади

**17. Комиссия давлат хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилишлари билан боғлиқ масалаларни қандай асосларга кўра, кўриб чиқади?**

- A) давлат органи ва ташкилоти раҳбарининг топшириғига кўра
- B) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг мурожаатига асосан

C) давлат хизматчиларининг, шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига биноан, Комиссия ўз ташаббуси билан кўриб чиқади

D) A, B, C

**18. Комиссия мажлисининг вақти ва жойи ҳақида тегишли равища хабардор этилган шахсларнинг келмаслиги ...**

- A) мурожаатни кўриб чиқишни кейинга қолдириш учун асос бўлади
- B) мурожаатни кўриб чиқиш учун тўсқинлик қилмайди
- C) мурожаатни кўриб чиқиш учун яқин қариндошлари иштирокида кўрилади
- D) мурожаатни кўриб чиқиш учун тўсқинлик қиласди

**19. Комиссия мажлисида ишларни кўриб чиқиш тартиби қайси жавобда тўлиқ кўрсатилган?**

- A) кун тартибидаги масала ўқиб эшиттирилади
- B) давлат органи ва ташкилоти раҳбарининг топшириғи ёки давлат хизматчиси томонидан одоб-ахлоқ қоидалари бузилганлиги тўғрисидаги мурожаат ўқиб эшиттирилади.
- C) одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этмаганликда айбланаётган давлат хизматчиси ва мурожаатчиларнинг тушунтиришлари эшитилади.
- D) барча жавоблар тўғри

**20. Комиссия томонидан қандай мурожаат(лар) кўриб чиқилмайди?**

- A) Комиссияда олдин кўриб чиқилган мурожаат ва айнан шу мазмундаги такрор мурожаатлар
- B) аноним мурожаатлар
- C) қонунда белгиланган бошқа талабларга мувофиқ бўлмаган мурожаатлар
- D) A, B, C

**21. Комиссия қабул қилинган қарор ҳақида мурожаат қилувчига, ўзига нисбатан масала кўриб чиқилган ...**

- A) давлат хизматчисига ва давлат органи ва ташкилоти раҳбарига ёзма равишда маълум қилади
- B) давлат органи маълум қилади
- C) раҳбарига ёзма равишда маълум қилади
- D) давлат хизматчисига маълум қилади

**22. Комиссия одоб-ахлоқ қоидалари давлат органи ва ташкилоти раҳбари томонидан бузилган такдирда ...**

- A) ташкилот раҳбарига юборади
- B) уларга нисбатан тегишли чора кўриш масаласи юзасидан таклифларни юқори турувчи давлат органи ва ташкилоти раҳбарига юборади
- C) прокуратурага юборади
- D) тегишли чора кўриш масаласи юзасидан ишни судга юборади

**23. Комиссиянинг қарори устидан кимга шикоят қилиниши мумкин(тўлиқ жавоб)?**

- A) ташкилот раҳбарига ёки судга шикоят қилиш мумкин
- B) давлат органига шикоят қилиш мумкин
- C) давлат органи ва ташкилоти раҳбарига ёки судга шикоят қилиш мумкин
- D) судга шикоят қилиш мумкин

**24. Тарафлар ярашган, шунингдек давлат хизматчиси ўз хоҳиши билан мурожаатчидан ошкора узр сўраган ҳолларда, ...**

- A) интизомий чора қўлланилмаслиги мумкин
- B) маъмурий чоралари қўлланилмаслиги мумкин
- C) унга нисбатан таъсир чоралари қўлланилади
- D) унга нисбатан таъсир чоралари қўлланилмаслиги мумкин

## **НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ**

1. Комиссия раисининг ваколатлари нималардан иборат?
2. Комиссия котиби ваколатларини санаб беринг?
3. Комиссия аъзоси қандай ваколатларга эга?
4. Комиссиянинг навбатдаги мажлиси тўғрисида унинг раиси Комиссия аъзоларига ёзма равишда, қоида тариқасида, камида неча кун олдин хабар қилиши лозим ?
5. Комиссиянинг қарорлари мажлисда қатнашган Комиссия аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинса, овозлар teng бўлган холларда қандай йўл тутилади ?
6. Комиссия давлат органлари ва ташкилотларининг инсон ресурсларини бошқариш бўлинмалари билан биргаликда мунтазам равишда давлат хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши ва уларнинг бузилишини олдини олишга қаратилган қайси чоратадбирларни амалга оширади?
7. Комиссия давлат хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилишлари билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш асосларини санаб беринг?
8. Комиссия мажлисида ўқиб эшиттириладиган ҳолатлар қайсилар?
9. Одоб-ахлоқ қоидалари бузилганлиги факти аниқланган тақдирда Комиссия томонидан давлат хизматчиларига қайси турдаги ахлоқий таъсир чоралари қўлланилади?
10. Комиссия томонидан кўриб чиқилмайдиган мурожаатлар қайсилар?
11. Комиссиянинг қарори устидан кимга ёки қайси органга шикоят қилиш мумкин бўлади?

## Тақдимот материаллари

1





### ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ 2022 ЙИЛ 14 ОКТАБРДАГИ 595-СОН ҚАРОРИ

“ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТЧИЛАРИ ТОМОНИДАН  
ОДОБ-АХЛОҚ ҚОИДАЛАРИГА РИОЯ ЭТИЛИШИНИ ТАЪМИНЛАШ  
БҮЙИЧА ҚҰШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТҮФРИСИДА”

2022 йил 18 науябрь

## ҮҚУВ-АМАЛИЙ СЕМИНАР

Мавзу: Давлат фуқаролик хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиши,  
Одоб-ахлоқ комиссиялари фаолияти, улар томонидан ходимлар үргасыда одоб-ахлоқ  
қоидаларига риоя этиши учун профилактика чора-тадбирларни амалга ошириш хамда  
жавобгарлық масалалари



2

Давлат фуқаролик  
хизматчилари  
томонидан одоб-  
ахлоқ қоидаларига  
риоя этиши

Одоб-ахлоқ  
комиссиялари  
фаолияти

Профилактика чора-  
тадбирларни  
амалга ошириш

Жавобгарлық  
масалалари

3

## ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

1. Давлат фуқаролик хизматчилари одоб-ахлоқининг Намунаий қоидалари (ЎзР ВМ 14.10.2022 й. 595-сон қарорига 1-илова)

2. Одоб-ахлоқ комиссияси тўғрисидаги Намунаий низом (ЎзР ВМ 14.10.2022 й. 595-сон қарорига 2-илова)



4

## ЎЗ КУЧИНИ ЙЎҚОТГАН



1. Вазирлар Махкамасининг "Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунаий қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида" 2016 йил 2 мартағи 62-сон қарори.

2. Вазирлар Махкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида" 2022 йил 4 апрелдаги 153-сон қарорига илованинг 376-банди.



## Давлат фуқаролик хизматчилари томонидан одоб-аҳлоқ қоидаларига риоя этилиши

5



## Одоб-аҳлоқ комиссиялари фаолияти

6

### НАМУНАВИЙ НИЗОМ

Намунавий низом давлат органлари ва ташкилотларида Одоб-аҳлоқ комиссиялари фаолиятини тартибга солади.

Комиссия давлат фуқаролик хизматчилари томонидан одоб-аҳлоқ қоидаларига риоя этишини назорат килиш, уларнинг ахлоқ нормаларига зид бўлган хатти-харакатларини олдинни олиш ва одоб-аҳлоқ қоидаларига риоя этиш билан боғлиқ низоларни кўрип чикиш мақсадида тузилади.

Комиссия Комиссия ранси, когиби ва аъзоларидан иборат бўлуб, умумий сони беш нафардан кам бўлмаслиги ва тоқ сонда бўлиши лозим.



Комиссия таркиби давлат органи ва ташкилоти раҳбари карори билан таасиуланди ва доимий равишда фаолият юртади.

Комиссия таркибига тажрибали, меҳнат жамоасида обрў-эътиборга сазовор бўлган давлат хизматчилари киритилади.

## Комиссия фаолиятини ташкил этиш

7

Комиссия мажлислари заруриятга қараб үтказилади. Комиссия мажлислари очиқ тарзда үтказилади. Зарур бўлган ҳолларда Комиссия ёпиқ мажлис үтказиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Комиссия мажлисини Комиссия раиси, у йўқлигига эса, унинг топшириғига биноан Комиссия аъзоларидан бири олиб боради. Комиссия мажлисида баённома юритилади, у раислик қилувчи ва Комиссия котиби томонидан имзоланади.

Комиссия мажлислари, агар уларда Комиссия аъзолари умумий сонининг камидаги учдан икки кисми хозир бўлса, ваколатли хисобланади.

Комиссиянинг навбатдаги мажлиси тўғрисида унинг раиси Комиссия аъзоларига ёзма равишда, коида тарикасида, камидаги икки кун олдин хабар қиласи, шунингдек мажлиснинг бошқа иштирокчиларини олдиндан хабардор этади.

Комиссиянинг қарорлари Комиссия раиси томонидан имзоланади.



## КОМИССИЯНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

8

одоб-ахлоқ қоидаларини ишлаб чиқиш

хизмат текширувларини үтказиш

ахлоқ нормаларига зид бўлган хатти-харакатларнинг олдини олишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш

одоб-ахлоқ қоидаларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш

давлат хизматчиларининг шаъни ва қадр-кимматини ҳимоя қилиш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш




Комиссия давлат органи ва ташкилотининг таркибий бўлинмалари, бошқа давлат органлари ва ташкилотлари, мансабдор шахслари ва жамоатчилик билан ҳамкорлик қиласи.

# Профилактик комплекс чора-тадбирларни амалга оширади:

9



## Комиссия раиси ва комиссия аъзоларининг вазифалари 10



## Одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш тартиби

11



давлат органи ва ташкилоти раҳбарининг топширигига кўра



хукуқни муҳофаза қилувчи органларнинг мурожаатига асосан



давлат хизматчиларнинг, шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига биноан



ўз ташаббуси билан кўриб чиқади

Комиссия мажлисига, ҳақиқий ҳолатларни аниқлаш ва холисона карор кабул қилиш мақсадида, ўзига нисбатан масала кўриб чиқилаётган давлат хизматчиси, зарур бўлган ҳолларда эса, мурожаат қилувчи ва бошқа шахслар тақлиф этилади.

Комиссия мажлисининг вақти ва жойи ҳақида тегишли равишда хабардор этилган шахсларнинг келмаслиги мурожаатни кўриб чиқиш учун тўқсиналик қўлмайди.

Давлат хизматчиси ўзининг хукуки, шаъни ва кадр-кимматига, ишчанлик обрўсига дахл киладиган мурожаат бўйича амалдаги конун хужжатларига мувофиқ ўзни химоя қилишга, Комиссияга зарур материалдар хамда бошқа ахборотларни тақдим этишга хакки.


Мажлис якуни бўйича Комиссия давлат хизматчининг харакатларида одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши фактининг мавжудлигини ёхуд мавжуд эмаслиги тўғрисида карор кабул килади.

## Комиссия томонидан қўйидаги мурожаатлар кўриб чиқилмайди:

12



комиссияда олдин кўриб чиқилган мурожаат ва айнан шу мазмундаги тақрор мурожаатлар



аноним мурожаатлар



конунда белгиланган бошқа талабларга мувофиқ бўлмаган мурожаатлар



Комиссия кабул қилинган карор ҳақида мурожаат қилувчига, ўзига нисбатан масала кўриб чиқилган давлат хизматчисига ва давлат органи ва ташкилоти раҳбарига ёзма равишда маълум қиласди.

Комиссия одоб-ахлоқ қоидалари давлат органи ва ташкилоти раҳбари томонидан бузилган тақдирда уларга нисбатан тегишли чора кўриш масаласи юзасидан тақлифларни юкори турувчи давлат органи ва ташкилоти раҳбарига юборади.

Комиссиянинг қарори устидан давлат органи ва ташкилоти раҳбари ёки судга шикоят қилиш мумкин.

Давлат хизматчиси томонидан одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши ҳақидаги мурожаат унинг ташаббускори томонидан Комиссия карори кабул қилингунига қадар қайтариб олиниши мумкин.

Тарафлар ярашган, шунингдек давлат хизматчиси ўз хоҳиши билан мурожаатидан ошкора узр сўрган ҳолларда, унга нисбатан таъсир чоралари кўлланилмаслиги мумкин.

## Ахлоқий таъсир чораси ёки интизомий жазо чораси

Ахлоқий таъсир чораси

Интизомий жазо чораси

## ОДОБ-АХЛОҚ ҚОИДАЛАРИГА РИОЯ ЭТМАГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

Давлат хизматчиларига қўйидаги ахлоқий таъсир  
чоралари қўлланилади:

огоҳлантириш

урз сўраш ёки расмий  
урнома келтириши  
талаб килиш

давлат органлари ва  
ташкилотларининг  
коллегиал  
йиғилишларида  
танбех бериш

Давлат хизматчилари томонидан Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этмаганлик ҳолати уларга нисбатан ахлоқий ва интизомий таъсир чораларини қўллаш учун асос бўлади.

Одоб-ахлоқ комиссияси давлат хизматчисига нисбатан интизомий таъсир чорасини қўллаш учун давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарига тақдимнома киритиши мумкин.



Давлат фуқаролик хизматчиси томонидан лавозим йўрикномасига ва Давлат фуқаролик хизматчиларининг одоб-ахлоқ қоидаларига, шунингдек ушбу Конуннинг 13-моддасида белгиланган чекловларга риоя этмаганиниң унга нисбатан интизомий жазо чораларини кўллаш учун асос бўлади.

15



Ўзига нисбатан интизомий жазо чорасини кўллаш тўғрисидаги қарор билан таниширилмаган давлат фуқаролик хизматчиси интизомий **жазога тортилмаган деб хисобланади**.

Давлат фуқаролик хизматчisinинг интизомий жавобгарликка тортилиши унга нисбатан рагбатлантириши чоралари кўлланилишини бекор килмайди.



**Намунавий низомга  
ИЛОВА**

**Одоб-ахлоқ комиссияси фаолиятини ташкил  
қилиш ва давлат хизматчилари томонидан  
одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши билан  
боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш  
СХЕМАСИ**

**Босқичлар**

**Субъектлар**

**Тадбирлар**

**Ижро муддати**

**I. Комиссия фаолиятини ташкил этиш**

**1-боскич**

Давлат органи ва ташкилоти раҳбари

1. Давлат органлари ва ташкилотларида Одоб-ахлоқ комиссияларини (кейинги ўринларда - Комиссия) Комиссия раиси, котиби ва аъзоларидан иборат таркибда, умумий сони камида беш нафардан кам бўлмаган миқдорда тоқ сонда шакллантириш.

2. Комиссия таркибига тажрибали, меҳнат жамоасида обрў-эътиборга сазовор бўлган давлат хизматчиларини киритиши.

3. Комиссия таркибини тасдиқлаш.

4. Комиссия таркибига Комиссия томонидан қабул қилинадиган қарорларга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган манфаатлар тўқнашуви эҳтимолини назарда тутган ҳолда ўзгартириш киритилади.

Икки ҳафта муддатда

Заруратга кўра

**2-боскич**

Комиссия раиси

Комиссия ишини ташкил этади, комиссия мажлисларини чақиради ва ўtkазади мажлисига раислик қиласди. Комиссия номидан иш юритади, Комиссия мажлисларида Комиссия фаолияти тўғрисидаги ахборот билан сўзга чиқади.

Маълумотлар киритилган вақтдан бошлаб  
Ҳар йили йил якуни бўйича

		Давлат органи ва ташкилоти раҳбарига Комиссия фаолияти тўғрисида ҳисобот тақдим этади.	
	Комиссия-нинг котиби	<p>Кун тартибига мувофиқ Комиссия мажлислари ўтказилишини ташкил этади. Комиссиянинг аъзоларини ва тақлиф этилган шахсларни Комиссия мажлиси ўтказиладиган жой, сана ва вақт ҳамда кун тартибига киритилган масалалар ҳақида хабардор қиласди.</p> <p>Комиссиянинг фаолиятини ташкилий-техник жиҳатдан таъминлаш масалаларини ҳал қиласди, навбатдаги мажлисига барча зарур материаллар ўз вақтида тайёрланишини таъминлайди.</p> <p>Комиссия мажлисининг баённомасини расмийлаштиради ва тасдиқланган баённоманинг манфаатдор шахсларга жўнатилишини таъминлайди.</p>	<p>Мажлисдан камидан иккита кун олдин</p> <p>Мажлисдан кейин бир кун муддатда</p>

## II. Одоб-ахлоқ қоидалари бузилишининг олдини олиш (профилактика) чораларини кўриш

1-боскич	Комиссия	Комиссия мунтазам равишда давлат хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши ва уларнинг бузилишининг олдини олишга қаратилган қўйидагиларни назарда тутувчи профилактик комплекс чора-тадбирларни амалга оширади:	Комиссия томонидан тасдиқланадиган чораклик иш режалари асосида
	Давлат органининг таркибий бўлинмалари  касаба уюшмалари кўмиталари	давлат хизматчиларида юксак касбий маданиятни, жамоада соғлом маънавий мухит ва ишchan кайфиятни шакллантириш; давлат хизматчиларини "ҳалоллик вакцинаси" билан эмлаш, яъни ҳалолликни уларнинг онгига сингдириш, маърифат орқали уларда коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш кайфиятини шакллантириш;	

		<p>давлат органи ва ташкилотида таникли зиёлилар, ижодкорлар, маънавият ва маърифат соҳаси, шунингдек диний соҳанинг кўзга кўринган намоёндалари, ўз соҳасида юксак натижаларга эришган меҳнат фахрийларини жалб қилган ҳолда, учрашувлар ташкил қилиб бориш; давлат органи ва ташкилотида ходимларнинг касбий ва бошқарув кўнимкалари ўсишини, шунингдек уларнинг малакасини доимий равишида оширишни, улар томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида уларнинг билимлари ва малакасини доимий ошириш ишларини таъминлаш;</p> <p>давлат хизматчиларининг иқтисодий билимларини, хукуқий саводхонлигини, хукуқий маданияти ва хукуқий онгини, интеллектуал ва маънавий ривожланишини таъминлаш мақсадида иқтисодий ва хукуқий ўқишлир ташкил этиш; янги ишга қабул қилинган давлат хизматчиларини одоб-ахлоқ қоидаларига қатъий риоя қилиш борасида стажировкадан ўтказиш ва улар билан профилактик сухбатлар ташкил қилиш;</p> <p>давлат хизматчиларини малака ошириш курсларига, халқаро семинарлар, конференциялар ва шу каби бошқа тадбирларга юбориш, улар томонидан ўз касбий даражаси ва ахлоқий сифатларини мустақил оширишлари учун шарт-шароит яратиб бериш.</p>	
2-босқич	Комиссия	<p>Давлат хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидалари бузилишининг олдини олиш (профилактика) чораларининг натижадорлигини Комиссия йиғилишида муҳокама қиласи.</p>	Ҳар йили якунлари бўйича

### III. Одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш

<b>1-боскич</b>	Комиссия	<p>Комиссия давлат хизматчиларининг одоб-ахлоқ қоидаларини бузилишлари билан боғлиқ масалаларни:</p> <p>давлат органи ва ташкилоти раҳбарининг топшириғига кўра; хуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг мурожаатига асосан; давлат хизматчиларининг, шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига биноан;</p> <p>ўз ташаббуси билан кўриб чиқади.</p>	Заруратга кўра
<b>2-боскич</b>	Комиссия раиси ва аъзолари	<p>Комиссия мажлисида:</p> <p>кун тартибидаги масала ўқиб эшилтирилади;</p> <p>давлат органи ва ташкилоти раҳбарининг топшириғи ёки давлат хизматчиси томонидан одоб-ахлоқ қоидалари бузилганлиги тўғрисидаги мурожаат ўқиб эшилтирилади;</p> <p>одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этмаганликда айбланаётган давлат хизматчиси ва мурожаатчилар тушунтиришлари эшитилади.</p>	Мажлис ўтказиладиган кун
	Давлат хизматчиси	<p>Ўзининг хуқуқи, шаъни ва қадр-қимматига, ишchanлик обрўсига дахл қиладиган мурожаат бўйича амалдаги конун хужжатларига мувофиқ ўзини ҳимоя қилишга, Комиссияга зарур материаллар ҳамда бошқа ахборотларни тақдим этишга ҳақли.</p>	
<b>3-боскич</b>	Комиссия	<p>1. Мажлис якуни бўйича давлат хизматчисининг харакатларида одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши фактининг мавжудлигини ёхуд мавжуд эмаслиги тўғрисида қарор қабул қиласди.</p>	Мажлис ўтказиладиган кун

		<p>2. Одоб-ахлоқ қоидалари бузилганлиги факти аниқланган тақдирда давлат хизматчиларига қуидаги ахлоқий таъсир чоралари күллайди:</p> <p>огоҳлантириш;</p> <p>узр сўраш ёки расмий узрнома келтиришни талаб қилиш;</p> <p>давлат органи ва ташкилотининг кенгайтирилган мажлисида танбех бериш.</p> <p>3. Давлат хизматчисига нисбатан интизомий таъсир чорасини қўллаш учун давлат органи ва ташкилоти раҳбарига тақдимнома киритиши мумкин.</p> <p>4. Қабул қилинган қарор ҳақида мурожаат қилувчига, ўзига нисбатан масала кўриб чиқилган давлат хизматчисига ва давлат органи ва ташкилоти раҳбарига ёзма равища маълум қиласди.</p>	
<b>4-боскич</b>	Комиссия	Одоб-ахлоқ қоидалари давлат органи ва ташкилоти раҳбари томонидан бузилган тақдирда уларга нисбатан тегишли чора кўриш масаласи юзасидан таклифларни юқори турувчи давлат органи ва ташкилоти раҳбарига юборади.	Заруратга кўра
<b>5-боскич</b>	Давлат хизматчisi	Комиссиянинг қарори устидан давлат органи ва ташкилоти раҳбарига ёки судга шикоят қилиш мумкин.	Заруратга кўра

**1-Мавзу. Касбий маданиятга оид, хизмат фаолиятидаги ва хизматдан ташқари, шунингдек ташқи кўриниш ва кийиниш услугига оид умумий одоб-ахлоқ қоидалари тўғрисида**

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
D	C	D	D	D	A	A	D	D	D
<b>11</b>	<b>12</b>	<b>13</b>	<b>14</b>	<b>15</b>	<b>16</b>	<b>17</b>	<b>18</b>	<b>19</b>	<b>20</b>
D	D	A	A	D	A	B	D	D	D
<b>21</b>	<b>22</b>	<b>23</b>							
D	D	D							

**2-Мавзу. Жамоатчилик вакиллари, жисмоний ва юридик шахслар билан ишлашда одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиш ва унинг аҳамияти, манфаатлар тўқнашуви ва коррупция ҳолатларини олдини олиш тўғрисида**

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
A	B	C	D	D	D	D	D	D	D
<b>11</b>	<b>12</b>	<b>13</b>	<b>14</b>	<b>15</b>	<b>16</b>	<b>17</b>	<b>18</b>	<b>19</b>	<b>20</b>
A	B	C	D	D	D	D	D	D	A
<b>21</b>	<b>22</b>	<b>23</b>							
B	C	D							

**3-Мавзу. Давлат фуқаролик хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиши, Одоб-ахлоқ комиссиялари фаолияти, улар томонидан ходимлар ўртасида одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш учун профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш ҳамда жавобгарлик масалалари тўғрисида**

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
D	D	D	D	D	A	B	C	D	D
<b>11</b>	<b>12</b>	<b>13</b>	<b>14</b>	<b>15</b>	<b>16</b>	<b>17</b>	<b>18</b>	<b>19</b>	<b>20</b>
D	D	D	D	D	A	D	B	D	D
<b>21</b>	<b>22</b>	<b>23</b>	<b>24</b>						
A	B	C	D						

## **САВОЛЛАР ВА ЖАВОБЛАР**

### ***“Одоб” сўзи нима маънони англатади?***

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да: “Одоб – “адаб” дейилади. Ушбу китобда: “Адаб (арабча)-адабиёт, яхши тарбия, маъқул ҳаракат. Ижтимоий ва шахсий ҳаётдаги яхши ахлоқ, тарбия, хушмуомилалик” дейилади.

Ахлоқ — кишиларнинг бир-бирларига, оиласга, жамиятга бўлган муносабатларида намоён бўладиган хатти-ҳаракатлари, хулқ-атворлари, одоблари мажмуи. Ҳукуқдан фарқли равишда ахлоқ талабарини бажариш-бажармаслик маънавий таъсир кўрсатиш шакллари (жамоатчилик томонидан баҳо бериш, қилинган ишни маъқуллаш ёки қоралаш) билан белгиланади.

### ***Мамлакатимизда давлат хизматчилари ўз касбий фаолиятини қайси принциплар асосида амалга ошириши шартлиги белгиланган?***

Давлат хизматчилари ўз касбий фаолиятини амалга оширишда қонунийлик, Ватанга садоқат ва хизмат вазифасига фидойилик, юкландиган функционал вазифаларини тўлиқ бажариш, ижро интизомига қатъий риоя этиш, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги, давлат ва жамият манфаатларига содиклик, адолатлилик, ҳалоллик ва холислик, коррупциявий ҳолатларга муросасиз муносабатда бўлиш ва қарши курашиш, хизмат сирини қатъий сақлаш, мансаб ваколатларини суистеъмол қилмаслик, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик каби принципларга асосланади.

### ***Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 октябрдаги 595-сонли “Давлат фуқаролик хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори нима мақсадда қабул қилинган?***

“Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ҳамда давлат хизматчиларининг хизмат фаолиятига оид ва хизматдан ташқари одоб-ахлоқи, жамоатчилик билан муносабатларига доир қоидаларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида қабул қилинган.

## ***Давлат фуқаролик хизматчилари одоб-аҳлоқининг намунавий қоидалари асосан қайси масалаларни тартибга солишга қаратилган?***

Давлат фуқаролик хизматчилари одоб-аҳлоқининг намунавий қоидалари асосан касбий маданиятга оид умумий одоб-аҳлоқ қоидалари, хизмат фаолиятига оид одоб-аҳлоқ қоидалари, хизматдан ташқари одоб-аҳлоқ қоидалари, жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан муносабатларга оид, одоб-аҳлоқ қоидалари, хизмат фаолиятидаги ташқи кўриниш ва кийиниш услугига оид одоб-аҳлоқ қоидалари, манфаатлар тўқнашуви, давлат хизматчиларининг манфаатини ҳимоя қилиш, одоб-аҳлоқ қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш, одоб-аҳлоқ қоидаларига риоя этмаганлик учун жавобгарлик каби масалаларни тартибга солади.

## ***Одоб-аҳлоқ қоидаларининг норматив-хуқуқий ҳужжат сифатида ишилаб чиқилиши нимани англатади?***

Давлат фуқаролик хизматчилари одоб-аҳлоқининг намунавий қоидалари давлат фуқаролик хизматчиларининг касбий маданияти, хизмат фаолияти давомида ҳамда хизматдан ташқари вақтда одоб-аҳлоқи, ташқи кўриниши ва кийиниш услубининг намунавий қоидаларини белгилайди.

Одоб-аҳлоқ қоидалари давлат хизматида юксак касбий маданиятни шакллантириш, жамоатчилик онгида давлат хизматига бўлган ҳурмат ва ишончни ошириш ҳамда давлат хизматчиларининг аҳлоқ қоидаларига зид бўлган хатти-ҳаракатларининг олдини олишга қаратилган.

## ***Давлат хизматчилари меҳнат фаолияти давомида ва ишдан ташқари вақтда хулқ-авторнинг қайси умумий қоидаларига амал қилиши лозим?***

**Давлат хизматчиси(меҳнат фаолияти давомида ва ишдан ташқари вақтда):**

- давлат хизматининг обўсига путур етказиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлардан тийилиш, аҳлоқ нормаларига доимий риоя қилиш;
- масъулият, касбига садоқат ва ҳалолликни кундалик шиорга айлантириш;
- мураккаб вазифаларни бажаришда ҳамкасларига кўмаклашиш;

- хушмуомалалиқ, эътиборлилик ва ҳүшёрик билан фуқароларда давлатга нисбатан ишонч ва ҳурмат ҳиссини үйғотиши;
- оиласида соғлом муҳитни таъминлаб, оила аъзолариға доимий ғамхўр бўлиш, фарзандларида ватанпарварлик ва бошқа юксак ахлоқий фазилатларни шакллантириш;
- фуқароларнинг ижтимоий келиб чиқиши, иқтисодий аҳволи ва бошқа омиллардан қатъи назар, улар билан бир хил, самимий, одоб доирасида муносабатда бўлиш;
- жамиятда ахлоқнинг умумэътироф этилган қоидалариға амал қилиш.

***Давлат хизматчилари ўз ваколатларини амалга ошираётганда қандай қонунчилик ҳужжатларига амал қилиши керак?***

Давлат хизматчилари ўз ваколатларини амалга ошираётганда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлариға, “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлариға, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Одоб-ахлоқ қоидалариға ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига амал қиласи.

***Одоб-ахлоқ қоидаларга мос касбий маданиятни талаб қилиши ҳуқуқи кимга берилган?***

Давлат хизматчилари Одоб-ахлоқ қоидалариға риоя қилиш мажбуриятига, фуқаролар эса давлат хизматчиларидан мазкур қоидаларга мос бўлган касбий маданиятни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

***Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиниши нима рагбат беради?***

Давлат хизматчилари томонидан Одоб-ахлоқ қоидалариға риоя қилиниши ҳолати уларни келгусида юқори лавозимларга тайинлаш ва раҳбар кадрлар захирасини шакллантиришда ҳисобга олинади.

## ***Касбий маданиятга оид қандай умумий одоб-ахлоқ қоидалари күрсатилған?***

Давлат хизматчилари:

фуқароларнинг жинси, ирқи, миллати, фуқаролиги, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи камситилишига олиб келувчи таъсир чоралари ва ҳаракатлар (харакатсизлик)га йўл қўймаслиги;

ҳалол, адолатли ва камтар бўлиши, фуқаролар билан мулоқотда хушмуомала, вазмин ва самимий муносабатни намойиш қилиши;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳукуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор қарорларни қабул қилишда қонунийликни, адолатлиликни ва шаффофликни таъминлаши;

давлат ва жамият манфаатларига зарар етказувчи, давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти самарадорлигини пасайтирадиган ҳаракатлар (харакатсизлик)дан тийилиши;

ўзининг хатти-ҳаракати ва ахлоқи туфайли жамоатчиликнинг танқидига учрамаслик чораларини қўриши, танқид учун таъқибга йўл қўймаслиги, асосли ва конструктив танқиддан ўз фаолиятидаги камчиликлар ҳамда нуқсонларни бартараф этиш йўлида фойдаланиши;

давлат органлари ва ташкилотлари, давлат хизматчилари ва бошқа шахсларга ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда шахсий масалалар юзасидан таъсир ўтказмаслиги;

ўз хизмат ваколатларини жисмоний ва юридик шахсларнинг манфаатларини кўзлаб бажариш ёки бажармаслик эвазига улардан бирон-бир мукофот, фойда ёки совгалар олмаслиги;

давлат мулкининг бут сақланишини таъминлаши, ўзига ишониб топширилган давлат мулкидан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши;

хизмат интизомига қатъий риоя қилиши, иш вақтидан оқилона ва самарали фойдаланиши;

аҳолининг давлат хизматлари истеъмолчиси сифатидаги талабларига мувофиқ доимий равишда фаолият сифатини ошириб бориш чораларини қўриши;

қонун билан интизомий, маъмурий ва жиноий жавобгарлик назарда тутилган ҳукуқбузарлик ва бошқа хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслиги;

касб этикаси ва ишchanлик услубига риоя этиши;

сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат ташкилотлари манфаатлари йўлида хизмат мавқеи ва имкониятларидан фойдаланмаслиги керак.

### ***Давлат хизматчилари учун қандай ҳаракатларни амалга ошириши тақиқланади?***

Давлат хизматчилари ўзига бўйсунувчи ходимлардан улар меҳнат вазифасини бажараётган пайтда партия номидан сиёсий фаолият билан шуғулланишини талаб қилиши, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат ташкилотлари фаолиятида иштирок этишга даъват этиши ёки мажбурлашига йўл қўйилмайди.

### ***Хизмат фаолиятига оид қандай одоб-ахлоқ қоидалари мажбурий аҳамиятга эга?***

Давлат хизматчилари хизмат фаолияти давомида қуидагиларга мажбур:

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига сўзсиз риоя этиши;

мамлакат шаънини эъзозлаш, давлат сиёсатига содик бўлиш;

ташқи сиёсат соҳасида давлат манфаатларини қатъий ҳимоя қилиш;

ўз хизмат вазифаларини вижданан, ҳалол ва юксак профессионал даражада бажариш, расмиятчилик, сохтакорлик ва суиистеъмолчиликка йўл қўймаслик;

хизмат мажбуриятларини самарали бажариш учун зарур бўлган билим ва кўникмаларни доимий асосда ошириш;

юқори давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда мансабдор шахсларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари ҳамда берилган топшириқларни ўз вақтида ва сифатли бажариш;

ишлаб чиқилаётган норматив-хуқуқий ва бошқа ҳужжатларга бирон-бир шахс, гуруҳ ёки идоралар манфаати нуқтаи назаридан ёндашмаслик ҳамда уларнинг манфаатлари ифода этилишига йўл қўймаслик;

ҳар қандай қонунбузилишига, айниқса, коррупция ҳолатларига қарши муросасизлик билан курашиш;

хизмат сафарлари, назорат тадбирлари давомида меҳнат фаолияти билан боғлиқ бўлган ҳар қандай турдаги сарф-харажатларни бошқа шахслар ҳисобидан амалга оширмаслик;

давлат хизматчилари ёки бошқа шахслар томонидан жиноят ёки бошқа хукуқбузарлик содир этишга ундовчи мурожаатлар ҳақида, шунингдек, ҳамкасблари томонидан содир этилган ёки тайёргарлик кўрилаётган қонунбузилишлар ҳақида ўзининг раҳбарига зудлик билан маълум қилиш;

чет эл фуқаролари билан алоҳида белгиланган тартибга зид равишда бевосита ёки бошқа шахслар орқали мулоқотга киришмаслик;

ўз хизмат мажбуриятларини бажараётганда фуқаролар ва бошқа шахсларни камситмаслик, уларнинг таъсиридан сақланиш, фуқаролар хукуқлари, мажбуриятлари ва қонуний манфаатларини ҳисобга олиш;

ўз хизмат мажбуриятларини вижданан бажаришга тўсқинлик қилиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлардан сақланиш;

давлат сири, қонун билан қўриқланадиган ва хизматга оид бошқа маълумотларнинг ошкор этилмаслигини таъминлаш юзасидан барча чораларни кўриш, улардан қонунга зид равишда фойдаланмаслик;

ахборотларни тарқатиш қоидаларига риоя қилиш, Интернет жаҳон ахборот тармоғи ва ахборот коммуникация воситаларидан фойдаланишда ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг белгиланган тартибига амал қилиш;

бириктирилган хизмат компьютери ҳамда электрон ташувчиларидағи хизматга оид маълумотларнинг хавфсиз сақланишини таъминлаш ва уларни бошқа шахсларга тарқатилишининг олдини олиш чораларини кўриш;

ижтимоий тармоқларда давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда мансабдор шахслар фаолиятини муҳокама қиласлик, ахлоққа зид ибораларни ишлатмаслик, мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларга нисбатан одамларда ишончсизлик кайфиятини юзага келтириши мумкин бўлган материалларни жойлаштирмаслик;

фуқаролар ва ҳамкасбларининг шаъни ва қадр-қимматига доғ туширувчи маълумотлар, тухмат, ифво ва уйдирмаларни тарқатмаслик;

мехнат ва ижро интизоми, ички тартиб қоидаларига, шунингдек, телефонда сўзлашиш ва кийиниш маданиятига қатъий риоя этиш;

ўзига ишониб топширилган мулкка ва молиявий маблағларга эҳтиёткорлик ва тежамкорлик билан муносабатда бўлиш;

жамоада соғлом маънавий муҳитни сақлаш чораларини кўриш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қонунда белгиланган тартибда ҳамда муддатларда қонуний, асосли ва адолатли ҳал қилиш;

мөхнат жамоасида ишчанлик мұхитини шакллантириш ва уни мустаҳкамлашга күмаклашиш;

мөхнат жамоасида ҳамкасбларининг шаъни ва қадр-қимматини обрўсизлантирадиган шахсий ва касбий фазилатларини муҳокама қилишдан тийилиши керак.

### *Одооб-ахлоқ қоидаларига кўра, раҳбарларга қандай мажбурият юклатилган?*

Раҳбарлар қуидагиларга мажбур:

бўйсунувидаги давлат хизматчилари профессионализм, ҳалоллик, холислик ваadolatлиликда ўрнак бўлиш;

жамоада соғлом маънавий мұхит ва ишchan кайфиятни шакллантириш;

давлат хизматчиларини қонунга хилоф хатти-ҳаракатларни амалга оширишга унда маслик ҳамда улардан бундай ҳаракатларни бажаришни талаб қилмаслик;

кадрларни маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, таниш-билишчилик ёки шахсий садоқат белгилари бўйича танлаш, тайинлаш ёки тавсия этишга йўл қўймаслик;

жамоада гурӯхбозлик ва фаворитизм (айрим ходимларни яқин олиш ва қўллаб-қувватлаш) кўринишларига йўл қўймаслик, шунингдек, хизмат вазифаларини бажариш жараёнида бошқа салбий омилларнинг олдини олиш;

давлат хизматчиларининг фаолиятига баҳо беришда қонуний, асосли ваadolatли қарорлар қабул қилиш;

давлат хизматчилари томонидан коррупция ва бошқа суистеъмолчиликлар содир этилишининг олдини олиш чораларини кўриш;

бўйсунувидаги давлат хизматчиларини ҳукукий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш чораларини кўриш;

ваколати доирасида шартномалар тузиш, танловлар ўтказиш ёки розилик бериш масалаларига холис,adolatли ва қонуний ёндашиш.

### *Раҳбарларга нималар ман қилинади?*

Раҳбарлар бўйсунувидаги давлат хизматчиларига қўпол муомалада бўлиши, ҳақорат қилиши, шахсиятига тегиши, уларга асоссиз танбех бериши ёки айглаши ҳамда камситиши мумкин эмас.

## ***Хизматдан ташқари одоб-ахлоқ қоидаларига қўра, давлат хизматчилари нималарга риоя қилиши (ўзларини тийиши) керак?***

Давлат хизматчилари ишдан бўш вақтларида умумқабул қилинган ахлоқ нормаларига риоя қилишлари ва уларга зид бўлган хулқ-атвор ва хатти-ҳаракатлардан ўзларини тийишли шарт.

### ***Давлат хизматчилари ишдан ташқари вақтда нималарга мажбур ҳисобланади?***

Давлат хизматчилари ишдан ташқари вақтда қўйидагиларга мажбур: миллий урф-одат, қадрият ва анъаналарга ҳурмат билан муносабатда бўлиш;

дабдабозлик, шуҳратпарастлик, гурӯхбозлик, майшатбозлик, ичкиликбозлик ва бошқа салбий иллатларга йўл қўймаслик;

расмий эълон қилинган маълумотлардан ташқари давлат хизмати фаолиятига оид масалаларни муҳокама қилмаслик;

жамоат жойларида (кафе, ресторан ва бошқа кўнгилочар масканларда) ўзини тутиш қоидаларига риоя этиш, атрофдагиларнинг эътиборини тортувчи ортиқча ва салбий ҳаракатларга йўл қўймаслик;

жамоат тартиби ва хавфсизлигига қарши қаратилган хатти-ҳаракатларни содир этмаслик, мазкур ноқонуний ҳаракатларга бошқаларни жалб этмаслик ёки даъват қилмаслик;

хизмат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ бўлган идора ва ташкилотлар раҳбар ва ходимларидан, бошқа мансабдор шахсларидан қимматбаҳо совға олмаслик;

хизмат гувоҳномаларини сақлаш ва фойдаланиш тартибига қатъий риоя этиш, улардан хизматга алоқадор бўлмаган ҳолатларда фойдаланмаслик, шу жумладан, ваколатли шахсларга хизмат гувоҳномасини кўрсатиб, мавқеини сунистеъмол қилмаслик;

хизмат автотранспорт воситаларидан хизмат фаолиятидан ташқари ҳолатларда шахсий ва бошқа мақсадларда фойдаланмаслик;

иш фаолияти билан боғлиқ маълумотларни ишга алоқадор бўлмаган бошқа шахслар иштирокида муҳокама қилмаслик;

шахсий транспорт воситаларидан фойдаланишда белгиланган тартибга амал қилиш, йўл ҳаракати қоидаларига қатъий риоя этиш;

тадбиркорлик ёки ҳақ тўланадиган бошқа фаолият билан (педагогик, илмий ва ижодий фаолиятдан ташқари) шуғулланмаслик, Ўзбекистон

Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

ўзи фаолият юритган давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда давлат хизматига доғ туширувчи хатти-ҳаракатлардан тийилиш;

ташқи кўринишини белгиланган меъёрлар доирасида сақлаш, камтарона кийиниш, атрофдагиларнинг эътиборини ўзига ортиқча жалб қиласидиган тарзда кийинмаслик.

### ***Давлат хизматчилари оммавий ахборот воситаларига кўмаклашадими?***

Давлат хизматчилари оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлик қилиши, давлат органлари ва ташкилотларининг фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритилишига кўмаклашиши керак.

### ***Давлат сиёсати ёки давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти тўғрисидаги оммавий баёнотлар кимлар томонидан амалга оширилади?***

Давлат сиёсати ёки давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти тўғрисидаги оммавий баёнотлар давлат органлари ва ташкилотлари раҳбари ёки мазкур йўналиш бўйича ваколатли мансабдор шахс томонидан амалга оширилади.

### ***Қандай ҳолларда оммавий баёнот берилиши мумкин эмас?***

Жумладан:

оммавий баёнот матни ва мазмуни давлат сиёсати ёки давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига алоқадор бўлмаса;

оммавий баёнотда келтириладиган ахборотлар давлат сирлари билан боғлиқ бўлса;

оммавий баёнот бошқа давлат органлари ва ташкилотлари нуфузини пасайтириш ёки уларнинг мансабдор шахсларини камситишга йўналтирилган бўлса.

### ***Жамоатчилик томонидан давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига оид айлов ёки танқид бўлса, муносабат билдириладими?***

Давлат хизматида жамоатчилик назоратини таъминлаш мақсадида жамоатчилик томонидан давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига

оид айблов ёки танқид билдирилган тақдирда, давлат органлари ва ташкилотлари унга нисбатан билдирилган айблов ёки танқидга оммавий изоҳ ёхуд раддия бериши лозим.

***Давлат хизматчилари мансаб ёки хизмат мажбуриятларини бажариши вақтида манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ҳаракатдан тийиладими?***

Давлат хизматчилари мансаб ёки хизмат мажбуриятларини бажариши вақтида манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорликка йўл қўймаслиги керак.

***Манфаатлар тўқнашуви юзага келса, қандай чоралар кўрилади?***

Манфаатлар тўқнашуви юзага келган тақдирда ходимлар ўзининг раҳбарини дарҳол хабардор қилиши шарт.

Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисида маълумот олган раҳбар бу тўқнашувнинг олдини олиш ёки уни бартараф этиш юзасидан ўз вақтида чора кўришга мажбур.

***Давлат хизматчиларининг манфаати ҳимоя қилинадими?***

Давлат хизматчиларини хизмат вазифаларини бажариш билан боғлиқ таҳдид, ҳақорат, тухмат ва қонунга хилоф бошқа хатти-ҳаракатлардан ҳимоя қилиш давлат органлари ва ташкилотларининг раҳбари томонидан амалга оширилади.

Зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришга тўсқинлик қилиш, жиноят ёки бошқа хуқуқбузарлик содир этишга оғдиришга қаратилган мурожаатлар, шунингдек, ҳамкаслари томонидан содир этилган ёки содир этишга тайёргарлик қўрилаётган қонунбузилишлар ҳақида хабар берган ходимларни вужудга келиши мумкин бўлган таҳдид ва хавф-хатарлардан ҳимоя қилиш чоралари кўрилади.

***Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини назорат қилиши қандай амалга оширилади?***

Давлат хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши устидан назорат давлат органлари ва ташкилотларининг инсон

ресурсларини бошқариш бўлинмалари ёки Одоб-ахлоқ комиссиялари, шунингдек маҳсус ваколатли давлат органи томонидан амалга оширилади.

Давлат органлари ва ташкилотларида лавозимга тайинланган давлат хизматчилари инсон ресурсларини бошқариш бўлинмалари томонидан мазкур Одоб-ахлоқ қоидалари билан тилхат асосида имзо қўйдирган ҳолда таниширилади.

### ***Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этмаганлик учун қандай жавобгарлик белгиланиши мумкин ?***

Давлат хизматчилари томонидан Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этмаганлик ҳолати уларга нисбатан ахлоқий ва интизомий таъсир чораларини қўллаш учун асос бўлади.

Давлат хизматчисининг Одоб-ахлоқ қоидаларини бузиши уларни қонунга мувофиқ интизомий ва бошқа жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

### ***Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этмаганлик учун Одоб-ахлоқ комиссияси томонидан давлат хизматчиларига қандай ахлоқий таъсир чоралари қўлланилади?***

Жумладан:

- огоҳлантириш;
- узр сўраш ёки расмий узрнома келтиришни талаб қилиш;
- давлат органлари ва ташкилотларининг коллегиал йиғилишларида танбех бериш.

### ***Одоб-ахлоқ комиссияси одоб-ахлоқ қоидалари давлат органи ва ташкилоти раҳбари томонидан бузилганлигини аниқласа, қандай чора кўради?***

Одоб-ахлоқ комиссияси одоб-ахлоқ қоидалари давлат органи ва ташкилоти раҳбари томонидан бузилган тақдирда, уларга нисбатан тегишли чора кўриш масаласи юзасидан таклифларни юқори турувчи давлат органи ва ташкилоти раҳбарига юборади.

## ***Одоб-ахлоқ комиссиялари қандай низоларни кўриб чиқади?***

Комиссия давлат фуқаролик хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этишини назорат қилиш, уларнинг ахлоқ нормаларига зид бўлган хатти-ҳаракатларининг олдини олиш ва одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш билан билан боғлиқ низоларни кўриб чиқиш мақсадида тузилади.

## ***Одоб-ахлоқ комиссиялари қандай норматив-хукуқий ҳужжатларга мувофиқ фаолиятини олиб боради?***

Комиссия фаолияти Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси давлат хизматчилари одоб-ахлоқининг Намунавий қоидаларига, Намунавий низомга ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

## ***Одоб-ахлоқ комиссияси ким томонидан ва қандай тартибда тузилади?***

Комиссия Комиссия раиси, котиби ва аъзоларидан иборат бўлиб, умумий сони беш нафардан кам бўлмаслиги ва тоқ сонда бўлиши лозим.

Комиссия таркибига тажрибали, меҳнат жамоасида обрў-эътиборга сазовор бўлган давлат хизматчилари киритилади.

Комиссия таркиби давлат органи ва ташкилоти раҳбари қарори билан тасдиқланади ва доимий равишда фаолият юритади.

Комиссия таркибига комиссия томонидан қабул қилинадиган қарорларга таъсир кўрсатиш мумкин бўлган манфаатлар тўқнашуви эҳтимолини назарда тутган ҳолда ўзгартириш киритилади.

## ***Одоб-ахлоқ комиссиясининг қандай асосий вазифалари бор?***

Одоб-ахлоқ комиссиясининг асосий вазифалари:

давлат хизматчиларининг идоравий одоб-ахлоқ қоидаларини ишлаб чиқиши;

давлат хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши масалаларини кўриб чиқиш, хизмат текширувларини ўтказиш;

давлат хизматчилари ўртасида ахлоқ нормаларига зид бўлган хатти-ҳаракатларнинг олдини олишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат хизматчиларининг хатти-ҳаракатларига доир мурожаатларини кўриб чиқиш;

давлат хизматчиларининг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш билан боғлик масалаларни кўриб чиқиш;

давлат хизматчиларининг одоб-ахлоқ қоидаларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

давлат хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши ҳолатини таҳлил қилиш, натижалари ҳақида давлат органи ва ташкилоти раҳбари ва жамоатчиликни хабардор қилиб бориш.

### *Одоб-ахлоқ комиссияси қандай ваколатларга эга?*

Одоб-ахлоқ комиссияси:

давлат хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади;

давлат хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши билан боғлик масалалар юзасидан хулосалар тайёрлайди;

давлат хизматчиларининг одоб-ахлоқ қоидалари билан боғлик масалаларини кўриб чиқиш жараёнида зарур ахборотни сўраб олади;

кўриб чиқиш учун киритилган масалаларни ҳал этиш учун Комиссия мажлислари эксперталар ва мутахассисларни жалб қиласиди;

одоб-ахлоқ қоидаларига оид масалалар юзасидан давлат хизматчиларига тегишли маслаҳат ва тушунтиришлар беради;

зарур ҳолларда, Комиссияда кўриб чиқилган масалалар бўйича давлат хизматчисини интизомий жавобгарликка тортиш юзасидан давлат органи ва ташкилоти раҳбарига таклиф киритади.

### *Одоб-ахлоқ комиссиясининг фаолияти қандай ташкил этилади?*

Комиссия мажлислари заруриятга қараб ўтказилади.

Комиссия мажлислари очиқ тарзда ўтказилади. Зарур бўлган ҳолларда Комиссия ёпиқ мажлис ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Комиссия мажлисини Комиссия раиси, у йўқлигига эса, унинг топшириғига биноан Комиссия аъзоларидан бири олиб боради. Комиссия мажлисида баённома юритилади, у раислик қилувчи ва Комиссия котиби томонидан имзоланади.

Комиссия мажлислари, агар уларда Комиссия аъзолари умумий сонининг камидан учдан икки қисми ҳозир бўлса, ваколатли ҳисобланади.

### ***Одоб-ахлоқ комиссиясининг мажлисларида кимлар қатнашиши мумкин?***

Комиссиянинг навбатдаги мажлиси тўғрисида унинг раиси Комиссия аъзоларига ёзма равишда, қоида тариқасида, камидан икки кун олдин хабар қиласида, шунингдек мажлиснинг бошқа иштирокчиларини олдиндан хабардор этади.

Комиссиянинг қарорлари мажлисда қатнашган Комиссия аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган ҳолларда Комиссия раисининг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади. Комиссиянинг қарорлари Комиссия раиси томонидан имзоланади.

Комиссия мажлисига, ҳақиқий ҳолатларни аниқлаш ва холисона қарор қабул қилиш мақсадида, ўзига нисбатан масала кўриб чиқилаётган давлат хизматчиси, зарур бўлган ҳолларда эса, мурожаат қилувчи ва бошқа шахслар таклиф этилади. Комиссия мажлиснинг вақти ва жойи ҳақида тегишли равишда хабардор этилган шахсларнинг келмаслиги мурожаатни кўриб чиқиши учун тўсқинлик қилмайди.

### ***Қандай масалаларни қамраб оловчи профилактик комплекс чора-тадбирлар амалга оширилади?***

давлат хизматчиларида юксак касбий маданиятни, жамоада соғлом маънавий муҳит ва ишchan кайфиятни шакллантириш;

давлат хизматчиларини "ҳалоллик вакцинаси" билан эмлаш, яъни ҳалолликни уларнинг онгига сингдириш, маърифат орқали уларда коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш кайфиятини шакллантириш;

давлат органи ва ташкилотида таниқли зиёлилар, ижодкорлар, маънавият ва маърифат соҳасининг кўзга кўринган намоёндалари, ўз соҳасида юксак натижаларга эришган меҳнат фахрийларини жалб қилган ҳолда, учрашувлар ташкил қилиб бориш;

давлат органи ва ташкилотида ходимларнинг касбий ва бошқарув кўниммалари ўсишини, шунингдек уларнинг малакасини доимий равища оширишни, улар томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этишларини таъминлаш мақсадида уларнинг билимлари ва малакасини доимий такомиллаштириш ишларини таъминлаш;

давлат хизматчиларининг иқтисодий билимларини, ҳуқуқий саводхонлигини, ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини, интеллектуал ва маънавий ривожланишини ошириш мақсадида иқтисодий ва ҳуқуқий ўқишилар ташкил этиш;

янги ишга қабул қилинган давлат хизматчиларини одоб-ахлоқ қоидаларига қатъий риоя қилиш борасида стажировкадан ўтказиш ва улар билан профилактик сухбатлар ташкил қилиш;

давлат хизматчиларини малака ошириш курсларига, халқаро семинарлар, конференциялар ва шу каби бошқа тадбирларга юбориш, улар томонидан ўз касбий даражаси ва ахлоқий сифатларини мустақил оширишлари учун шарт-шароит яратиб бериш.

Давлат хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидалари бузилишининг олдини олиш (профилактика) чоралари Комиссия томонидан давлат органи ва ташкилотининг тегишли таркибий бўлинмалари раҳбарлари ҳамда касаба уюшмалари қўмиталари билан биргаликда ташкил этилади.

***Давлат хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилишилари билан боғлиқ масалаларда, қайси органлар комиссияга масала киритиш ҳуқуқига эга?***

Жумладан:

давлат органи ва ташкилоти раҳбарининг топшириғига кўра;  
ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг мурожаатига асосан;  
давлат хизматчиларининг, шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига биноан;  
комиссия ўз ташаббуси билан кўриб чиқади.

***Одоб-ахлоқ комиссияси томонидан қандай мурожаатлар кўриб чиқилмайди?***

Комиссияда олдин кўриб чиқилган мурожаат ва айнан шу мазмундаги такрор мурожаатлар, аноним мурожаатлар, қонунда белгиланган бошқа талабларга мувофиқ бўлмаган мурожаатлар.

## ***Одоб-ахлоқ комиссиясининг қарори устидан судга шикоят қилиши мүмкінми?***

Комиссиянинг қарори устидан давлат органи ва ташкилоти раҳбарига ёки судга шикоят қилиш мүмкін.

## ***Тарафларнинг ярашуви қандай оқибатларни келтириб чиқараади?***

Тарафлар ярашган, шунингдек давлат хизматчisi ўз хоҳиши билан мурожаатчидан ошкора узр сўраган ҳолларда, унга нисбатан таъсир чоралари қўлланилмаслиги мүмкін.

## ***Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этмаганлик учун огоҳлантиши ёки узр сўраш каби интизомий чора қўрилади дейилди. Бундан бошқа қатъий жазо чораси ҳам қўриши мүмкінми?***

Давлат фуқаролик хизматчилари одоб-ахлоқининг Намунавий Қоидаларининг 31-бандига асосан одоб-ахлоқ комиссияси давлат хизматчисига нисбатан интизомий таъсир чорасини қўллаш учун давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарига тақдимнома киритиши мүмкинлиги белгиланган. Ташкилот раҳбари тақдимномага асосан меҳнат қонунчилигига белгиланган тартибда интизомий жазо чораси қўллаши мүмкін.

## ***Малака даражалари бериши тартиби қандай бўлади?***

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонунининг 24-моддасига асосан давлат фуқаролик хизматчиларига малака даражалари бериш тартиби белгиланган. Унга кўра давлат фуқаролик хизмати лавозимларига 6-даражали хизматчидан олий даражадаги маслаҳатчisi малака даражалари берилади. Давлат фуқаролик хизматчиларига малака даражалари олий маълумотга ва муайян иш стажига, малака ошириш курсларини тутатганлиги тўғрисидаги сертификатга, малака комиссиясининг ижобий хулосасига эга бўлган тақдирда берилади. Давлат фуқаролик хизматчиларига малака даражаларини бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланади.

## **ҚАЙДЛАР УЧУН**